Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 90 (10.339).

1992 йил 9 июнь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

• *Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги*

Ортиқча ҳосилдан умид катта

БОЗОР иқтисоди, нархнаво ошиб кетди, дейилган гаплар меъдага тегди. Ҳукуматимиз ҳар жиҳатини ўйлаяпти. Шу жумладан деҳқонларни ҳам. Харид нархи оширилди. Энди бу яқин ўртада яна ошишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Демакки, шунисига ҳам шукр қилиб, астойдил, ихлос билан, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиш, бор имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳимдир. Энг катта имконият эса сифатли маҳсулот етиштириш, белгиланган режани ошириб бажаришга эришишдир.

Чунки, ҳаммамизга яхши маълум, режадаги маҳсулотнинг маълум қисми ва режадан ортиқчасининг ҳаммасини бугунги кунда деҳқоннинг ўзи тасарруф қилмоқда. Шунинг учун ҳам режани анча ошириб адо этган хўжаликлар катта иқтисодий самара кўряптилар. Буни ноҳиямиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Ўтган йили, жумладан, пахтачилик билан шуғулланадиган 10 та хўжаликдан 5 таси режасини ошириб бажаришга эришди. Масалан, Т. Эрназаров номли хўжаликнинг режадан ортиқча пахтаси 417 тоннани ташкил этди. Бундай хўжаликлар кўп бўлди. Улар ўзлари ихтиёридаги пахта толасини келишилган нархда мустақил ҳамдўстлик давлатларига ва чет давлатларга сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шу ҳисобга миллион сўмлаб даромад қилдилар. Хўжаликнинг молиявий аҳволи анча яхшиланиб қолди. Афсуски, режани удалай олмаган хўжаликлар имтиёзидан фойдалана олмай доғда қолдилар.

Бу йил ўтган йилги камчиликлар сабоқ бўлиши керак. Ҳар бир хўжаликда қатъий ҳисоб-китоб билан иш юритилиши шарт.

Бу йил баҳор ниҳоятда серёғин келди. Ҳарорат паст бўлди. Бунинг оқибатида ниҳолларни ундириб олиш кечикиб кетди. Ноҳия бўйича 3 минг гектар майдондаги пахтани қайта экишга тўғри келди. Ҳозирги кунда асосий диққат-эътиборни ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатишга қаратиш лозим.

Ғўза кун санайди. У керакли иссиқлик ва озуқаларни талаб этади. Бу-

Иқтисодчи минбари

нинг учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур. Айниқса, шу кунларда культивацияни сифатли ва маромида ўтказиш муҳимдир. Механизатор қатор ораларида ишлаётганида культиваторларда талаб қилинадиган қисмларнинг бут бўлишини таъмин этиши керак.

Ҳамма ерда яганани яқин кунларда тугаллаш талаб этилади.

Бу йил бегона ўт ўтган йилдагига қараганда кўп бўлиб кетди. Агар биз ҳамма имкониятларни ишга солиб, пахта майдонларини бегона ўтлардан тезроқ тозалаб олмасак, бусиз ҳам ривожланиши анча орқага сурилган ниҳоллар, ғўзалар қийин аҳволда қолади.

Ҳозирги кунда ҳамма хўжаликларда пахта билан бир қаторда сабзавот, қовун-тарвуз, мева, узум етиштиришга ҳам эътибор кучайтирилди. Бу тармоқларда ҳам ишни жўнаштириб юбориш учун ишчи кучлари ва техникалардан оқилона фойдаланмасак бўлмайди.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам шу кунларда ўйлашимиз керак. Бир сўз билан айтганда хўжаликдаги барча тармоқларнинг сердаромад бўлишига эришиш — қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида қўйилган дадил қадам бўлади.

Энг муҳими ҳар бир хўжаликда режани кам деганда 110—120 фоизга бажарилишини таъминлашдир. Ҳамма имконият, тажриба ва маҳорат ана шу мақсаднинг рўёбга чиқарилишига қаратилмоғи муҳимдир. Чунки бу йилги шароитда ортиқча ҳосилдан умид катта. Мана, оддий ҳисоб-китоб: ноҳия хўжаликлари бу йил режа бўйича давлатга 21 минг 150 тонна пахта сотишлари керак. Агарда бу режа бир юз ўн фоизга бажарилса, шу ҳисобга қўшимча пахта миқдори 5150 тонна бўлади. Агар 30 фоиз тола чиқса, 1545 тонна толага эга бўлинади. Ҳар тоннаси 130 минг сўмдан сотилса —бу 203 миллион 850 минг сўм демакдир. Агар бунинг устига ҳукуматимизнинг яқинда фармонига биноан қўшимча қиймат солиғидан воз кечилганлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, хўжаликларнинг даромадлари янада ошиши мумкинлиги аёндир.

Т. ЭРГАШЕВ,
Чиноз ноҳияси деҳқонлар уюшмаси раиси муовини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

*

• **ТОШКЕНТ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозиргача хўжаликда 120 тонна шичан жамғарилди. Хўжаликда сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳам жадал бормоқда.**

СУРАТЛАРДА: (чапдан) молбоқар Алиев иш устида; жамоа хўжалиги аъзоси Сирожиддин Иброҳимов фарзанди билан карам йиғмоқда.

С. ҲОЖИЕВ суратн.





ПИЛЛАДА ҲАМ ЎРНАК

Болтавой Иброҳимов мудирлик қилаётган «Чиғириқ» пахта қабул қилиш пункти ходимлари бу йил ипак қурти парваришида ҳам фаол қатнашдилар. Улар А. Икромов номли жамоа хўжалигидан 2,5 қути ипак қурти олиб меҳр билан парваришладилар. Барча агротехник тадбирлар вақтида ўтказилди. Баракали кумуш тола етиштирилди. Мўлжалдаги 55 килограмм ўрнига 192 килограмм аъло сифатли маҳсулот олинди. Пункт ишчиларидан Ҳилола Расулова, Роза Сафарова, Рисолат Турдиқулова кабилар алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

— Айримлар,— дейди Болтавой ака,— пилланинг пунктга нима алоқаси бор деб ўйлаши мумкин,— ҳозир бозор иқтисодини бошимиздан кечирмоқдамиз. Қандай қилиб бўлса ҳам ходимларнинг даромадини кўпайтириш йўлларини ўйлашимиз керак. Биз шуни мақсад қилиб қўйгандик. Мақсадимизга эришяпмиз. Қурт боқиш — пунктидаги асосий ишларга сира ҳалақит бермади. Аксинча, катта фойда келтирди. Келгусида даромад олишнинг бошқа йўлларини ҳам излаймиз.

Пунктда, шунингдек, ҳар йилгидек бу йил ҳам янги мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.

И. НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ ноҳияси.

АСОСИЙ МЕЗОН—СИФАТ

ОҚҚЎРҒОН. Ноҳия пилла-корлари бу йил давлатга 151 тонна пилла ҳосили топшириш учун астойдил ва уюшқоқлик билан меҳнат қилдилар. Фидокорона меҳнат маҳсули бўлган хом ашёни йиғиб, териб олиш уюшқоқлик билан ўтмоқда. Қурт боқиш ва ундан мўл ҳосил олишда ноҳиядаги «Мустақил Ўзбекистон», «Гулистон», С. Сегизбоев номли, «Оққўрғон» давлат хўжаликлари пилла-корлари алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Бош пиллахонада иш қизғин эди. Бу ерга хўжаликлардан пешма-пеш пилла келтириб турилибди. Пиллакорлар билан суҳбатлашамиз. Уларнинг эътироф этишларича, айрим қийинчиликлар, муаммоларга қарамай, бу йил пилла йили бўлди. Барг ҳосили яхши етилди. Бу имкониятдан мумкин қадар унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Турди Эргашева, Оллоёр Субонов, Дилфуза Иброҳимова, С. Сегизбоев номли давлат хўжалигидан Ҳасанбой Примов, «Оққўрғон» давлат хўжалигидан Ҳосият Набиева ва бошқалар ўз меҳнат самараларидан мамнун эдилар. Улар 70—150 килограммдан маҳсулот топширдилар. Ноҳия пилласига қут-барака киритдилар.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

Ҳуқуқшуносларнинг халқаро учрашуви

Ҳозирги босқичда мустақилликка эришган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқий муносабатларни бошқаришнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини топишга интилмоқдалар. Бу ишда жаҳондаги илғор мамлакатлар амалиётида тўпланган тажрибаларни қийсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан куни кеча Тошкентда очилган ҳуқуқшунос олимларнинг биринчи халқаро учрашуви диққатга сазовордир.

Бу учрашувда Ўзбекистон — Франция олимлари иштирок этаётир. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академик И. М. Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти ташкил этди. Муҳбиримиз бу учрашув ҳақида фалсафа ва ҳуқуқ институти қиёсий қонуншунослик бўлимининг раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор **М. М. Файзиев** билан суҳбатлашди.

— Мустақил давлатларнинг бой қонунчилик тажрибасини қиёсий ўрганиш, бу хусусдаги билимлар билан ўзаро бойиш, энг яхши ечимларни улардан олиш қонунчиликни бир хилликка келтириш табиий жараёни ҳисобланади. Биз ҳуқуқшунослар бошқа давлатлар ва биринчи навбатда Туркия республикаси ҳамда бир қатор Европа мамлакатлари, хусусан Франция давлати тажрибасини тезроқ ўрганиб, ўзимизда дадилроқ жорий қилишимиз керак. Шунинг учун ҳам халқаро учрашувни ташкил этдик. Бу учрашув кун тартибига ҳуқуқнинг турли тармоқларига тааллуқли учта мустақил масала киритилган. Булар қиёсий ҳуқуқ ва қонуншунос томонидан хорижий ҳуқуқшунослик тажрибасидан фойдаланиш; миллийлаштириш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари; судьялар гуруҳини шакллантириш масалаларидир.

Учрашувда етти нафар француз ва 50 га яқин ўзбек олимлари ҳамда амалиётчи ходимлар қатнашмоқдалар. Франция томонидан қиёсий қонунчилик жамияти мазкур учрашув ташкилотчиси ҳисобланади. Бу жамият бир асрдан ортиқроқ вақтдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. У қиёсий ҳуқуқ соҳасида энг обрўли илмий муассасалардан бири ҳисобланади.

Муаммоларни муҳокама қилишда Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон мустақил давлатларидан ҳам бир қанча олимлар иштирок этишмоқда. Шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ва амалиётининг москвалик таниқли вакиллари маърузалар билан чиқадилар. Франция томонидан Ксавье Блан, Жорж Жувен, Пьер Катала, Мишель Бернар, Мишель Лесаж, Пьер Безар сингари профессорларнинг маърузаларига катта қизиқиш билан қаралмоқда.

Бу учрашувнинг ўтказилиши қонун лойиҳалари тайёрлаш борасида мустақил давлатлар тажрибасини ўрганишда олимлар ҳамда амалиётчиларнинг алоқаларини кенгайтириш имконини беради.

ШАРИФ НАВОЗ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хабар қилишича, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф шу йил июнь ойининг охирида Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

Шу мамлакат элчихонасининг нотасидан маълум бўлишича, Покистон Бош вазирининг қардош мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасига тарихий биринчи ташрифидан келгусида Покистон—Ўзбекистон муносабатлари учун негиз бўладиган бир қанча битимлар тузиш учун фойдаланиш ниятидадир. Иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

КАНОПЗОРДАГИ ХОЗИРГИ ИШЛАР

ДАЛАЛАРДА каноп майсалари ҳам кўзга ташланиб қолди. Лекин об-ҳаво шароити бу экин ривожига ҳам таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги кунда бу экин қатор ораларини пешма-пеш юмшатиб, тупроқдаги ҳароратни кўтариш, ҳаво алмашинувини яхшилаш муҳимдир. Толали экинлар тажриба станцияси олимлари ўсаётган каноп ўсимлигини гелийнеон лазер нури билан ишлаб чиққанлар. Бу усул «нурлатиш» янги усулини мазкур йилдагидек ноқулай шароитда қўлланилса канопнинг ўсиши ва ривожланиши мақбул ҳолатда ўтишини таъминлайди. Сарф-ҳаражатлар бирмунча камаяди. Биологик усуллардан ҳисобланган бу усул атроф-муҳитга ва деҳқон аҳлига зарари йўқлиги билан фарқланади. Кўп хўжаликлар бу усулни қўллаб, мўл ҳосил олмоқдалар. Қуйи Чирчиқ ноҳиясидаги Дмитриев номли, Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги «Янги турмуш» ва бошқа хўжаликлар иши бунга мисол бўлади. Афсуски, айрим хўжаликлар лазер қурилмалари бор бўлишига қарамасдан жорий йилда уларни ишлатмай мулк сифатида сақлаб келмоқдалар.

Бу йил канопзорларда зарпечак, карнайгул ва бошқа бегона ўтларнинг ҳам ҳаддан ташқари кўпайиб кетаётганлиги кўзатилаётир. Бу сингари бегона ўтларга қарши кураш чораларини мутахассислар ва агрономлар билан бамаслаҳат зудлик билан амалга ошириш биринчи галдаги вазифа бўлмоғи лозим.

Қатор ораларини юмшатиш жараёнида кўп хўжаликлар ўсимликка зарар етказмаслик, уни тупроқ билан кўмиб юбормаслик учун культивацияда ҳимоя зонасини 10—12 сантиметр ўрнига 12—15 сантиметр қилиб қолдираяптилар. Бунинг оқибатида ўсимлик атрофидаги 20—30 сантиметр жой механизм ёрдамида ишланмай қолиб кетяпти. Бу ўз навбатида бегона ўтларнинг кўпайишига сабабчи бўлади. Қўл кучидан фойдаланишга мажбур бўлинади. Бундай ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўймаслик учун дискали юлдузчалар, пичоқлар, ККО ва ротацион мосламалардан фойдаланиб ҳимоя зонасини 7—9 сантиметргача олиб келиш мумкин. Бу қатқалоқни юмшатиш билан бирга бегона ўтларнинг 70 фоизгача бўлган қисмини йўқотиш имкониятини беради. Ниҳоллар ҳам тупроқ билан кўмилмайди.

Шунингдек, биринчи культивация даврида культиваторнинг ишчи органларини ўсимликдан 7—8 сантиметр узоқликда, ротацион мосламаларни 5—6 сантиметр, пичоқларни эса 6—8 сантиметр, ўткир учли ғоз панжаларни 10—12 сантиметр чуқурликда ўрнатиш керак.

Иккинчи культивация вақтида ҳам агар бегона ўтлар кўп, ротацион мосламалар кам бўлса пичоқлар, кейин— наральниклар ҳамда панжалардан фойдаланиш тавсия

Амал қилсангиз, ютқазмайсиз

этилади. Бунда ҳам ҳимоя зонаси 7—9 сантиметрни ташкил этади, ротацион мосламалар 5—6 сантиметр, наральниклар 8—10 ва панжалар 12—14 сантиметр чуқурликда ўрнатилади.

Учинчи ва тўртинчи культивацияни ККО ёрдамида ўтказиш яхши фойда беради.

Канопни ўғитлашни бу йил об-ҳаво шароити ва тупроқ ҳароратини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш керак. Бунда ўғитлаш миқдори, уларнинг турлари ва нисбати агрокимё картограммалари, ўғитлаш режаларига қараб белгиланади. Буни мутахассислар назорат қилиб боришлари шарт. Жумладан, поя учун экилган канопга ҳар гектар ҳисобидан 220—250 килограмм азот, 150—200 килограмм фосфор ва 90—120 килограммдан калий солиш норма ҳисобланади. Агар ўғитлар — (фосфорли ва калийли)нинг 50 фоизи шудгорлаш пайтида солинган бўлса, қолганини парвариш даврида ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи озиқлантиришда азотли ва фосфорли ўғитни 3—4 чин барг чиққанида, иккинчисида эса 17—21 чин барг чиқарганида берилади. Айрим хўжаликларда каноп етилгунга қадар қатор ораларини 4—5 марта культивация қилиш, 2—3 марта озиқлантириш мақсадида камида бир-икки сувга эгат очишга тўғри келади, бунинг учун 8—9 марта трактор ўтади. Натижада тупроқ зичланиб қолади. Бу микробиологик жараёнларнинг сусайишига олиб келади. Ўсимлик ўсишдан тўхтайди. Бунга йўл қўймаслик учун эса культивация билан озиқлантиришни бирга қўшиб олиб бориш керак.

Бу йилги об-ҳаво каноп зараркунандаларининг кўпайиши учун ҳам қулай шароит яратди. Канопда асосан кузги тунлам (кўк қурт), шафтоли шираси, дала қандаласи ва кўсак қурти кўп учрайди. Бу ҳашаротлар, айниқса, уруғлик учун экилган экинларга кўпроқ зиён етказади. Кузги тунлам бизнинг шароитимизда бутун вегетация даврида учта авлод беради. Айниқса, биринчи авлоди хавфлидир. Бу ҳашорат ўсимлик уна бошлаб то 4—6 та чин барг чиқаргунга қадар зарарлайди. Унга қарши курашда биологик усул — тухумхўр трихограммадан фойдаланиш ва далага қўйиш керак.

Жорий йилда вилоятимизда каноп экилган майдон кескин қисқариб 5180 гектар қолди. Бу майдондан 81 минг тонна каноп пояси топширилади. Бу деҳқонлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар гектар экинзордан мўл ҳосил олиш учун юқоридаги сингари кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш талаб этилади. Ана шунда канопдан мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин бўлади.

Деҳқонларимиз тажриба ва маҳоратларини ишга солиб ҳар бир дала, пайкалда экин ҳолати, тупроқ шароитини ҳисобга олиб иш юритадилар ва мақсадга, албатта, эришадилар, деб ишонамиз.

З. МАҲСУМОВ,
вилоят деҳқончилик саноати уюшмасининг пахта ва бошқа техник экинлар бўлими бошлиги;

Х. УМАРОВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар академиясининг толали экинлар тажриба станцияси ўсимликлар физиологияси бўлими бошлиги, биология фанлари номзоди.

• *ОБУНА—92*

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МУШТАРИЙЛАРИГА

Ҳурматли мушторийлар!

Матбуотни етказиб бериш хизматлари, полиграфия ҳаражатлари, қоғоз нархи қимматлашганлиги туфайли илгари йилнинг иккинчи ярми учун «Тошкент ҳақиқати»га эълон қилинган обуна нархи мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Шу сабабли бугун обунанинг янги нархини эълон қилишга мажбур бўлдик. Бунинг учун Сизлардан узр сўраймиз ва бизни тўғри тушунасизлар деган умиддамиз.

Демак, «Тошкент ҳақиқати» учун 1992 йилнинг иккинчи ярмига обуна баҳоси:
6 ойга — 120 сўм,
3 ойга — 60 сўм,
1 ойга — 20 сўм.

Эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати» савдога чекланган миқдорда чиқади ва унинг чакана савдодаги нархи обунаникидан юқорироқ бўлади.

«Тошкент ҳақиқати»ни 1992 йил 1 июлдан эътиборан хонадонингизга етказиб берилишини хоҳласангиз обуна-ни шу йил 10 июнгача расмийлаштиришни унутманг. Бу муддатдан кечикканларга обуна ундан кейинги ойларга расмийлаштирилади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг индекси, — 64672.

ТИЛ—МИЛЛАТНИНГ ҚИЁФАСИ

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида республика Бош вазири А. Муталов бошчилигида ҳукумат тил комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссиянинг ўтган галги йиғилишида адлия ва алоқа вазирликларида тил ҳақидаги қонун қандай бажарилаётганини ўрганиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш топширилган эди. Алоқа вазирлигида бу соҳада бирқанча иш қилинди. Аммо кўп вазирликлар ва идораларда силжиш сезилмаяпти, иш эскича юритиляпти. Таржимонлар йўқлиги, ўзбекча ёзув машинкаларининг камлиги сингари баҳоналар рўкач қилиняпти. Ҳатто юқори идораларнинг ўзида ҳам Давлат тилига муносабат ўзгаргани йўқ. Қарор ва фармойишлар жойларга ҳамон рус тилида юборилаётир. Масалан, ўтган тўрт ой мобайнида Фарғона вилояти ҳокимлигига рус тилида 218 та ҳат ва кўрсатма жўнатилган. Шундан 197 таси вазирлар маҳкамасидан юборилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Республика Бош вазири она тилимизнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида гапириб, мазкур қонунни бажариш билан шуғулланиши лозим бўлган комиссиянинг иши қониқарсизлигини таъкидлади. Комиссия таркибидаги айрим кишиларнинг ўзлари қонунга риоя қилмайдилар, Давлат тилини етарли даражада билмайдилар. Жойларда ташкил этилган тил ўрганиш курсларида дарслар хўжакўрсинга ўтилади. Аксарият ташкилот ва идораларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Давлат тилини амалда қўллашни мавсумий иш деб қарамаслик керак.

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан борар экан, она тили унинг таянчи бўлмоғини унутмаслик лозим. Она тилимиз миллатимизнинг қиёфасини белгилаши, халқимизнинг маънавиятини равнақ топтиришга хизмат қилиши керак.

Мажлисда мазкур қонуннинг Фарғона вилоятида, хусусан, Қува тумани ва Фарғона шаҳрида бажарилиши ҳақидаги ахборот ҳам тингланиб, Қува тумани ҳокимлигининг иш тажрибаси маъқулланди.

Кейинги вақтда жой номларини тарихий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш жадаллашди. Бу борада атамалар комитети дурст натижага эришяпти. Аммо мажлисда сўзга чиққан олим ва ёзувчилар, журналистлар, идораларнинг раҳбарлари бу соҳада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслигини, ҳар бир юм қайта тикланар экан, у абадий қолиши, шаҳар ёки қишлоқнинг қиёфасини ифодалаши зарурлигини таъкидладилар.

Мажлисда ҳукумат комиссиясига мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, вилоят, туман ҳокимликларига бу соҳада амалий ёрдам бериш, комиссия аъзоларининг масъулиятини ошириш вазифаси юклатилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари Э. Самандаров иштирок этди.

Ў. МИРЗАЕВ,
УзА мухбири.

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик фанлари академияси янги тузилиб, унинг ҳақиқий ва мухбир аъзолари учун сайлов эълон қилинган кунлар эди. Ушбу фан маркази номига жойлардан талайгина ҳужжатлар топширилди. Қишлоқ хўжалиги машиналари тузилиши технологияси мутахассислиги бўйича академиклик учун бўш ўринларга кўрсатилган номзодлар рўйхатида бир неча йирик олимнинг, шу жумладан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари олийгоҳи кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Шукрулло Убайдуллаевич Йўлдошевнинг ҳам номи бор эди.

Сайлов вақтида профессор номзоди учун якдиллик билан овоз берилди. Айни бир вақтда у академиянинг вице-президенти этиб сайланди. Бу тадқиқотчи ва кўзга кўринган олимга билдирилган катта ишонч ҳамда унинг кўп йиллик самарали илмий фаолиятига берилган муносиб баҳо эди.

Дарҳақиқат, илм-фан фидойиси ва жонкуяри сифатида жумҳуриятимизда танилган Ш. Йўлдошев сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. У жумҳуриятимиздаги давлат ва жамоа хўжаликларига тез-тез бориб, қишлоқ хўжалик техникасининг аҳволи билан яқиндан қизиқарди. Айниқса жойларда қишлоқ хўжалиги машиналари технологиясини синчковлик билан кузатар, мутахассисларга уларни такомиллаштиришга доир фойдали маслаҳатларини берар эди.

Олимнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмгоҳининг тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва уларни созлаш лабораториясига бошчилик қилган йиллари унинг тадқиқотчилик фаолияти жонланишида муҳим босқич бўлди. Шу давр мобайнида қишлоқ хўжалик агрегатларини комплекс созлаш билан боғлиқ кўп жараёнларнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. Бу жиддий кузатишлар асосида у талайгина техник ҳужжатларни тайёрлаб нашр эттирди.

Заҳматкаш тадқиқотчи терим машиналарини такомиллаштириш йўлларида олиб борган кузатишларида ҳам самарали натижаларга эришди. Ў Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик машиналарини механизациялаш ва электрлаштириш тадқиқот илмгоҳидаги раҳбарлик фаолиятида агрегатларнинг унумли ва қулай ишлаши борасида бир қатор муаммоларни ҳал этди.

Шукрулло Убайдуллаевич билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳи ўзи учун катта мактаб вазифасини ўтаганлигини қайд этади. Чиндан ҳам шундай бўлди. Мазкур олий ўқув юртида унинг олимлик иқтидори кенг ривож топди. Бу даргоҳда Ш. Йўлдошев «Материалшунослик кафедраси» мудири, «Машиналарнинг техник даражасини ошириш» тармоқ илмий тадқиқот лабораториясининг раҳбари сифатида қатор жиддий муаммоларни ҳал этишга бошчилик қилди. Бу борада ечимини кутаётган асосий масалалар ўрганилиб, йирик изланишлар мажмуаси яратилди.

Олим илмгоҳда машинасозликка оид кўпгина тармоқларнинг раҳбари сифатида деҳқончилик техникасини жадал ва мукаммалроқ ривож топишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. У йигирмадан ортиқ терим машиналари моделларининг

Ўзбекистоннинг илмий кучлари

техник кўрсаткичларини таҳлил этган, уларнинг иш унуми, фойдаланиш жараёнидаги иқтисодий сарфиёти ҳақида батафсил маълумот яратаолганлиги билан эътибор топган тадқиқотчидир.

Унинг ана шу илмий изланишлари 200 га яқин тадқиқотларда ўз ифодасини топдики, улар машиналарнинг тўла қувват билан ишлашлари, захира қисмларнинг умрини узайтириш, механизаторлар учун қулайликлар яратиш, ҳосилни несҳобуд қилмай йиғиштириб олиш каби бир неча муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этди.

Ш. Йўлдошевнинг «Пахта териш машиналарини техникавий такомиллаштириш» деб номланган йирик монографияси илмий фаолиятининг асоси, мезонини белгиловчи омил сифатида кенг тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилди. Худди шунингдек, «Машиналарга баҳо беришнинг тизимли ёндошуви», «Пахта териш машиналари техник даражасининг асослари» каби монографиялари уни илм-фанда юксак довонларга кўтарди. Бу тадқиқотлар туфайли у академик деган юксак унвонга мушарраф бўлди.

Таниқли олим ҳозир ана шу илмий марказда вице-президент лавозимида фаол иш олиб бормоқда. Академия раёсатининг қарори билан у бошқараётган тармоқ бўлимининг таркиби белгилаб олинди. Бунга кўра олим ўз издошлари, ҳамкасблари билан қишлоқ хўжалик машиналарини янада серунум ва чидамли қилиб яратиш борасида изланишни давом эттираверади.

— Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, кўп жиҳатдан экинларга ишлов бериш, йиғиштириб олиш ва ҳосилни сақлашни механизациялашга боғлиқ,—дейди олим.

— Бу муаммо ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айниқса ўзгача мазмун ва масъулият касб этади.

Илмгоҳда олим кўзлаган режалар қуруқ гап бўлиб қолаётгани йўқ. Шундай агрегатлар яратиляпти. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмгоҳи яқинда пахтачилик бўйича махсус конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда эпчил ишчи мосламалар билан жиҳозланган ГК-4-6 маркали чизель-культиваторни давлат синовидан ўтказди. Такомиллаштирилган ГРХ-2—50 юмшатгич машинасининг янги нусхаси яратилди. Чигитни уч-беш баробар тежайдиган аппаратлар модулли СМХ-4 сеялкасига мослаштирилди. Шунингдек кўсак чувишга мослашган, ерга тўкилган пахталарни бир йўла териб оладиган, ғўзапояларни юлиб, майдалаб берадиган мосламалар ҳам юзага келди.

Шу кунларда Ш. Йўлдошев бошчилик қилаётган кафедрада янги-янги тадқиқотлар устида иш олиб борилмоқда. Илмгоҳда ҳамкасблари дунёқараши кенг, меҳрибон устозлиги, талабаларга эса малакали дарс бериши, талабчанлиги учун самимий ҳурмат қиладилар. У томондан ўтилаётган «Машиналар пухталиги асослари», «Машиналарни созлаш ва жиҳозлаш», «Машина-трактор паркидан фойдаланиш йўллари», «Материаллар технологияси ва материалшунослик курси» каби мавзулардаги машғулотлар бугунги кун талаби нуқтаи назаридан тўлақонлилиги, самарадорлиги билан эътиборга лойиқдир.

Етук олим кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлади. Улар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётирлар. Устоз ана шу издошлари меҳнати билан фахрланади. Зероки, у илм фан соҳасида олиб бораётган йирик тадқиқотларнинг самараси ана шу шогирдлар меҳнатида ҳамиша намоён.

А. АЛИЕВ.

• Мутахассислар минбари

БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ИЖТИМОИЙ-сиёсий ҳаётнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан иқтисодни ташкил этиш, хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг тўғри уюштирилишига боғлиқ. Минтақалараро хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши кўп соҳаларда инқирозли ҳолатларни юзага келтирди. Биргина балиқчилик хўжалигини олиб кўрайлик. Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишнинг муҳим омилларидан бири бўлган бу тармоқни ривожлантиришга ҳалақит бераётган бир қанча салбий тамойиллар ҳозирги пайтда жуда аниқ равшан бўлиб қолди. Булар нималарда кўринмоқда?

Аввало, шуни айтиш керакки, минтақалараро хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши туфайли жумҳуриятга балиқ маҳсулотларини четдан олиб келиш имконияти кескин камайиб кетди. Бундай маҳсулотларга эҳтиёж эса, муттасил ошиб бормоқда. Орол денгизи сувининг ниҳоятда пасайиб кетиши ва оқибатда қуришга юз тутиши улкан экологик фалокат бўлиши билан бирга Ўзбекистоннинг балиқчилик саноатига ҳам жиддий зарба берди.

Асрлар давомида табиий шароитларда халқимизнинг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириб келган маҳаллий балиқларнинг кўпгина турлари жуда ҳам камайиб қолди, айримлари эса, бутунлай йўқолиб кетди. Бундай ҳол, биринчидан, маҳаллий балиқларнинг табиий яшаш шароитларининг бузилиши, иккинчидан эса, уларнинг кушандалари бўлган йиртқич балиқларни фақатгина маҳсулдорлигига қараб ёппасига иқлимлаштириш туфайли содир бўлди. Демак, етти ўлчаб, бир кес деганларидек, иқлимлаштиришда бир-икки йиллик фойдани эмас, балки узоқни кўриб илмий йўл тутиш керак бўлади.

Балиқ етиштириш камайиб кетишининг асосий сабабларидан яна бири дарёларимиз ва сув ҳавзаларимиз маҳсулдорлигидан палапартиш ва самарасиз фойдаланиб келинаётганлигидадир. Бу ердаги хўжалик механизмлари яхши ишламаётир. Бундан эса, текин даромад пайида бўлган олғирлар, сохта овчилар усталик билан фойдаланмоқдадар. Ҳатто, улар овлаш ман этилган ойларда ҳам, овлаш ман этилган балиқ турларини ҳам бемалол овлай берадилар. Бундай ҳолни халқимизнинг мулки бўлган балиқ заҳираларига йиртқичларча муносабат, деб баҳолаш камлик қилади.

Демак, балиқчилик хўжалигида юзага келган жиддий вазият, бу соҳада юқорида баён қилинган салбий тамойилларнинг кучайиб бораётганлиги, экологик аҳволнинг кескинлашиши, балиқ турларининг камайиб кетаётганлиги, аҳолининг эса, балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини йилдан-йилга ортиб бориши балиқчиликни ҳар томонлама ривожлантиришни, янги ҳом ашё базасини ахтаришни, сув ҳавзаларида балиқларнинг маҳсулдорлигини ошириш усулларини топишни ва уларни илмий асосларда иқлимлаштириш ишларини йўлга қўйишни талаб қилмоқда.

Хўш, бундай аҳволдан қутулишнинг чора-тадбирлари борми? Бизнингча, бор.

Қатор йиллар давомида Ўзбекистонда пахтачиликни ва халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида бир қанча йирик ирригация тармоқлари, сунъий сув ҳавзалари ва омборлари барпо этилган бўлиб, буларда ўз навбатида маҳсулдор балиқ турларини кўпайтириш, зарур бўлганда, иқлимлаштириш имкониятлари яратилди. Биз қуйида Чорвоқ сув омборида иқлимлаштирилаётган пелядь балиғи мисолида бу масалани янада ойдинлаштирмоқчимиз.

Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология илмгоҳи билан балиқчилик хўжалиги илмгоҳи олимларининг кўп йиллик илмий кузатишлари натижасида маълум бўлишича, Чорвоқ сув омборидаги овлаш аҳамиятига эга бўлган балиқ турларининг таркиби асосан қора балиқ, яйдоқ кўкча, зоғора балиқ ва 1973—1983 йилларда иқлимлаштирилган иссиққўл гулмоҳи балиғидан иборат бўлган. Чорвоқ сув омборида планктонхўр балиқларнинг бўлмаслиги табиий озуқа миқдорининг кўпайишига олиб келди. Шу сабабли 1981 йили мазкур институтларнинг олимлари планктонхўр пелядь балиғини Чорвоқ сув омборига иқлимлаштиришнинг биологик асосларини ишлаб чиқдилар. Бу ишлар биринчи бор 1984 йили Қирғизистоннинг тоғли кўлларидан бир неча минг дона 20 кунлик балиқ чоғоқларини олиб келиб, Чорвоқ сув омборига ташлашдан бошланди. Кейинчалик 1987 йили яна 600 минг 20 кунлик балиқчавоқлари олиб келинди.

Пелядь балиғи асосан Сибирь дарёси бўйидаги сув ҳавзаларида яшайди. У жуда кўп сув ҳавзаларига, жумладан, Тожикистон, Қирғизистоннинг тоғли кўлларига, ҳатто чет эллар нинг сув ҳавзаларига (Польша, Олмония, Чехословакия, Финляндия) ҳам иқлимлаштирилган. Пелядь нинг асосий тарқалган жойи шимолий сув ҳавзаларидир, демак, у совуқ иқлимли шароитларда яшайди. Чорвоқ сув омбори тоғлар орасида, Псков ва Чотқол дарёларининг бирлашиш жойида, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда жойлашганлиги учун у ердаги сув ҳарорати республикамизнинг бошқа сув ҳавзаларига қараганда анча паст. Демак, бу ернинг иқлим шароити шу тур учун мос келади. Агар пелядь балиғи шу ерда жуда яхши яшаб, бутунлай мослашиб кетса келгусида уларни Ўрта Осиёнинг бошқа тоғли сув ҳавзаларида ҳам иқлимлаштириш мумкин.

Хўш, ҳозир бу турнинг Чорвоқ сув омборига мослашиш жараёни қандай кечмоқда? Бу борада Зоология ва паразитология илмгоҳининг ихтиологлари томонидан бир неча йиллик олиб борилган кузатишлар орқали қуйидаги дастлабки хулосаларга келинди. Пелядь балиғи Чорвоқ сув омборига яхши мослашиб бораяпти, яъни иқлимлаштириш дуруст кетаяпти. Бу нималарда кўринади. Биринчидан, бу тур шу ернинг иқлим шароитига мослашиб, ўсиб, улғайиб, ўзидан авлод бера бошлади. Авлод бериш қобилияти эса анча катта. Кузатув натижаларидан маълум бўлдики, уруғочи пелядларнинг маҳсулдорлик қобилияти бир йилда 50 мингдан 96 минггача увилдириғни ташкил этади. Бу кўрсаткич пелядь балиғининг шимолий сув ҳавзаларидаги кўрсаткичига нисбатан анча юқоридир. Иккинчидан, пелядь балиғининг ўсиш тезлиги ва жинсий вояга етиши ҳам анча тезроқдир. Пелядь ўзининг шимолий тарқалган жойларида 3—5 ёшда жинсий вояга етса, бизнинг шароитда бу кўрсаткич асосан икки ёшни ташкил қилаяпти. Булар ҳаммаси пелядь балиғининг яхши шароитга тушганлигидан ва иқлимлаштириш жараёни яхши кетаётганлигидан далолат беради.

Чорвоқ сув омборининг иқлимига мослашган пелядь балиғининг гўшти мазалик бўлиб, оғирлиги бир-уч килограммга боради. Аммо бу ерда бир хатоликка йўл қўйилди, яъни ҳали иқлимлаштириш жараёни тугамай, уни овлашга киришилди. Натижада мазкур балиқ кўпайиш ўрнига камайиб борди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда уни овлаш ман этилган. Чунки иқлимлаштириш жуда яхши ўтди, дейишга ҳали вақт эрта. Бу жараён энди бошланаяпти. Ҳали яна анча кузатув ва текширув ишларини олиб боришга тўғри келади.

Юқоридаги биргина мисолнинг ўзи балиқчилик хўжалигини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Гап бу имкониятлардан тўғри фойдаланишда қолган.

У. МИРЗАЕВ,
М. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология ва паразитология илмгоҳининг аспирантлари.



*

● РАШИДА Дуйсенова Қуйи Чирчиқ ноҳиясидаги трикотаж-атторлик фабрикасига 1983 йилда қалб амри билан ишга келган эди. Ўзингга ёққан ишда ишласанг, у ҳамиша самарали бўлади, деб бежиз айтишмаган экан. Р. Дуйсенова ҳам ҳамиша ойлик режаларини мўлжалдагидан ошириб, 130—140 фоизга адо этиб келмоқда. Шу боис илғор ишчини корхонада ҳамма ҳурмат қилади.

У. МАРДИҚУЛОВ
сурати.

*

УСТОЗ ҲИСОБЧИ

...ҲАСАН ва Ҳусанлар ҳам йўлга кириб олишди. Бироқ, тирик жон экан, кенжаси оғир касалликка чалиниб оламдан ўтди. Оилада Иноможоннинг дунёга келиши эса ҳам қувонч, ҳам қайғу олиб келди. Отақул ака тўсатдан вафот этди. Энди оиланинг бутун ташвиши, болалар тарбияси Ҳайринисо опанинг ўзига қолди.

У фарзандларини оқ ювиб, оқ таради. Ўзи емай, едирди, киймай кийдирди, вояга етказди. Бизлар бир умр кетмон чопиб, ўтдик. Энди сенлар ўқинглар, ўқиган одам дунё танийди, кам бўлмайди, деб тайинлади уларга. Бунинг учун қўлидан келганча шароит яратиб беришга ҳаракат қилди.

Ака-укалар оналарининг айтганларини қилдилар. Ўқишга меҳр қўйдилар. Ҳасанбой дастлаб колхозда ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади. Сўнг техникумга ўқишга кирди. Яхши баҳолар билан тугатди. Бухгалтерлар тайёрлаш курсини ҳам муваффақиятли битирди. Хўжаликда 15 йил бош ҳисобчига ёрдамчи бўлиб ишлади. 1965 йилдан буён эса бош ҳисобчи бўлиб меҳнат қилиб келмоқда. Бу орада ўндан ортиқ шогирдлар тайёрлади.

Ҳасанбойнинг умр йўлдоши Раъно опа ҳам бахтини меҳнатдан топганлардан. У 40 йилдан ортиқ далада ишлади. Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ набиралари оғушида.

Бу бахтли оиланинг фарзандлари ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб олишди. Абдураззоқ масъул ходим, Ибодатхон ўқитувчи, Абдуғани шифокор. Абдунаби — фермер, Абдумалик — ошпаз, Гулбаҳор — ҳисобчи, Абдували — савдо ходими, Гулжаҳон ва Шоҳисталар тарбиячи.

Ҳасанбой ака Отақулов 65 баҳорни қаршилади. Ҳамон меҳнат камарини бўшаштиргани йўқ. Ҳамма уни устоз деб эъзозлайди, ҳурмат қилади. Биз ҳам устоз Ҳасанбой акага бардамлик тилаймиз.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон ноҳияси, «Маданият» колхози.

ХАЛҚ САНЪАТИ МУЗЕЙИ

Бекободдаги 9-ҳунартехника билим юртида Ўзбек халқи манзарали-амалий санъати музейи очилди. Шу билим юртининг ўзбек тили ўқитувчиси Т. Тожиёрова музей ташкил қилиш ташаббускори бўлди.

Бу ерда сопол идишлар, ёғоч ва ганч ўймакорлик буюмлари, нақш ўйиб туширилган металл буюмлар намойиш қилинмоқда. Музей ташкилотчилари ишчилар ва усталарнинг бадиий дидини тарбиялашни, ўзбек халқ усталарининг бой анъаналарини тарғиб қилишни музейнинг муҳим вазифаси деб ҳисоблашмоқда. Музей ташкилотчилари унинг экспозицияларини мунтазам тўлдириб боришда қатнашишни сўраб, бекободликларга мурожаат қилдилар.

ЎзА мухбири.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ОНА-ЕР ПОСБОНИ

1941 йил куз кунларининг бирида Тошкентнинг Карл Маркс кўчасидан ўтиб бораётган взводга йўловчилар ҳавас билан, ғурур ва фахр ила боқишди. Бир-биридан келишган, хушқомат ва полвонсифат қизил аскарлар уларда душман устидан қозониладиган ғалабага умид туғдирар эди. Шундоқ йигитларни немис енгиб бўпти!

Обиджон шундай хаёлда аскарларга боқаркан, бирдан юраги орзиқиб кетди. Қизил аскарлардан бирининг чеҳраси ғоят иссиқ, таниш ва қадрдон! Шошма, бу ахир уларнинг декани Ғани ака-ку!

Обиджон югура солиб аскарлар томон чопганини ҳам билмай қолди.

— Ассалому алайкум, домла!

Взвод командири лейтенантнинг ҳайқириғи эшитилди.

— Четга чиқинг, йигитча!

Обиджон ўзини чеккага олиб аскарлар билан баробар қадам ташлар, лекин нигоҳини ўша қадрдон кишидан узмасди.

Қизил аскар унга табассум ила бошини бир-икки силкиди. Бунда салом-алик ҳам, хайрлашув ҳам мужассам эди. Обиджон взводни Пионерлар саройигача кузатиб борди. У сира ҳам рўй берган воқеага ишончси келмас эди. Наҳотки фан номзоди, доцент, факультет декани Ғани Мавлонов оддий аскар сифатида жангоҳга кетмоқда? Шундай истеъдодли, юртимизга зарур ва керакли мутахассис урушга кетса?

Обиджон бундан икки йил муқаддам у билан танишган эди. Ўша вақтда у талаба бўлиб Ўрта Осиё индустриал билимгоҳи тоғ факультети доценти Ҳабиб Абдуллаев раҳбарлигида илмий иш қиляётган эди. Ана шу ишнинг самараси бўлган китобчага мутахассис тақризи зарур бўлиб қолди.

— Бу ишни Ғанибой уддалайди,— деди Ҳабиб ака, — бугун уйига борамиз.

Ўша куни йўл-йўлакай у Обиджонга эски қадрдони Ғани Мавлонов билан қандай танишгани ҳақида ҳикоя қилган.

1930 йил ёзида Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг ишчилар учун очилган курси директори қабулхонасида улар биринчи марта учрашишган. Бир-бирларининг ҳаётлари билан ўзаро танишишган.

Ғанибой 1910 йилда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида деҳқон Мавлон оиласида дунёга келган. Отадан жуда эрта етим қолган Ғанибой болалигиданоқ рўзғор халтасини елкасига олиб деҳқончиликка киришган. 1929 йилда тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллаб Тошкент вилоятида «Янги қизил ҳаёт» колхозини тузишда қатнашади ва ана шу жамоа хўжалиги правленеси котиблигига сайланади. Ёш котибнинг бутун хаёл-зикрини бир муаммо эгаллади. Қандай қилса мўл ҳосил олса бўлади? Ернинг сиру синоатларини билса бўладими? Табиатнинг ажойиботларида қандай қонуниятлар яширинган?

Ана шу ер илмига муҳаббат уни илмгоҳга етаклаб келган эди.

Ҳабиб Абдуллев Обиджонга ишлар ҳақида айтиб, Ғанибойнинг талабалик йилларидаги изланувчанлиги, билимгоҳни имтиёзли диплом билан тугаллаб муҳандис-гидрогеолог сифатида самарали ишлагани ҳақида гапириб берди. Ғанибой Москва геология-разведка илмгоҳи аспирантурасига қабул қилингани ва ҳозирда диссертация устида ишлаётганини ҳам қўшиб қўйди.

Обиджон ҳайвонот боғи ёнидаги уйга устози билан кирганда уни узун бўйли, қора қош, қадди қоматли келишган йигит самимий қаршилади. Ҳабиб ака билан қучоқлашиб кўришди. Суҳбат жуда қизиқ, ҳазил-мутойибага бой бўлди. Мавлонов уларни китобча билан таништириклаб, унга чин дилидан тақриз ёзишини билдирди. Катта иш билан банд олимнинг бундай муомаласи Обиджоннинг кўнглини тоғдай кўтариб, юрагида бир умр ўчмас муҳаббат уйғотди. Мана, ҳозир қизил аскарлар сафида номаълум истиқбол сари уруш жаҳаннамига бардам ва шаҳдам қадамлар ташлаб кетаётган қадрдон сиймони кузатиб қоларкан, Ҳабиб Абдуллаев сўзларини эслади. Ғанибой ер фарзанди, деҳқон ўғли. Шунинг учун ҳам у она ер мудофааси учун кўнгилли бўлиб кетмоқда. Она ер посбони бўлиб, Обиджон Акромхўжаев ўша топда вақти келиб у Ғани ака билан учрашиши, биргаликда фан йўлида улкан довонлар ошишларини, икковлари ҳам академик бўлишларини қаёқдан билсин? Яна замон ўтиб у Ғанибой акаси хотирасига эсдалик ёзишини қайдан билсин!

КОМИССАРНИНГ ҒОЯСИ

«Унинг ташаббуси 91-ўқчи дивизия командири сиёсий қисм бўйича ўринбосари полковник Мартинов томонидан маъқулланиб, барча полкларда қўлланила бошланди. Бу ишни полклар замполитлари ва парторглари умумармия кенгашида шахсан ҳарбий кенгаш аъзоси генерал Шчербаков юксак баҳолади. Ғани Мавлонов табиатан зиёли бўлса-да, лекин фронтда етук сиёсий ходим, интизомли ва жасур офицер сифатида ўзини намоён этди».

613-ПОЛК ОФИЦЕРИ М. РУДНИЦКИЙ ХОТИРАСИДАН:

Полковник Мандрикин қаршисида ғоз қотган офицерга қизиқиш ила тикилди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа овруполи бўлмаган миллатларга паст назарда қарашга ўрганган полк командири погонларида уч юлдуз порлаб турган хушқомат ўзбек йигитининг полк ташвиқотчиси лавозимига тайинланганидан ҳайратини яширмади.

— Катта лейтенант Мавлонов хизматни давом эттиришга ихтиёрингизга келди.

— Ишга киришаверинг,— деди Мандрикин ва унинг ҳужжатларини диққат ила кўздан кечира бошлади. Геология-минералогия фанлари номзоди, доцент. 1941—1942 йилларда Хабаровск ҳарбий билим юртини тугаллаган. Лейтенант унвонида Узоқ Шарқда 21-ўқчи бригадада миномет ротаси командири ўринбосари сифатида хизмат қилган. 1943 йилда Қизил Армия олий ҳарбий-педагогик илмгоҳини тугатган. 4-Украина фронтига юборилган. Жасур ва изланувчан.

Полковник Мандрикин чуқур нафас олиб ўйга чўмди. Қўмондонлик янглишмайди, уни бежиз бу жойга юборишмаган. Жуда камдан-кам офицер, ҳатто генералларда ҳам бундай юксак унвондаги кадрлар йўқ ҳисоби.

Шиддатли жанглар давомида у полк ташвиқотчиси Мавлоновнинг чинакам комиссарлигига тан берди. У доимо фронт олд чизиғида жангчилар билан ҳужумга боради. Ўлимдан қўрқмайди.

— Бир ўзим полкка камлик қиламан,— деди Мавлонов бир куни. Полк командири ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари унинг фикрларини диққат билан тинглашди.

— Шундай ташвиқотчилар гуруҳи тузиш лозимки, улар доимо солдатлар сафида бўлишсин.

Сўзи билан иши бир Мавлонов шундай қилди ҳам. У батальонларда бўлиб саводхон, оқ-қорани таниган солдат, сержант ва кичик командирлардан норасмий ташвиқотчилар гуруҳларини ташкил қилди. Улар эса жангчиларни руҳлантиришда катта хизмат кўрсатишди. Катта лейтенант Мавлонов ташаббуси бутун дивизияга ёйилди. Ҳарбий кенгаш аъзоси генерал Шчербаков бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлади.

ТАШАББУС САМАРА БЕРА БОШЛАДИ

«Немислар томонидан карнайлардан нуқул бир чақириқ тинмай такрорланарди. «Полк командири Мандрикинни, агитатор Мавлоновни, парторг Козлов, комсорг Кечаевни ўлдириб бизга ўтинглар!»

613-ПОЛК КОМСОРГИ П. С. КЕЧАЕВ ХОТИРАСИДАН:

Шимолий Донецкда мудофаада турган полк шундай мушкул аҳволда қолдики, бунга чидамай душман тарафига ўтиб кетганлар ҳам бўлди. Ана шундай оғир шароитда капитан Ғани Мавлонов жангчилар руҳини кўтара олди. Унинг дил сўзлари, шахсий намунасига ишонмаслик қийин эди. У икки бор яradор бўлди, контузияланди. Ўзини ўққа ҳам, чўққа ҳам урувчи тиниб-тинчимас комиссар доим олдинги сафда эди. Унинг кўксини «Қизил Юлдуз», «Ватан уруши» орденлари безаганча бор эди.

1945 йил январида Латвияда немисларнинг йирик қўшини Курлянд группировкасини тугатиш учун жанглар бошланганда уни дивизия штабига чақириб қолишди.

— Эртага биринчи батальон ҳужумга ўтади,— деди штаб бошлиғи,— немисларнинг уч мудофаа чизиғини ёриб ўтиб Лислупа кўпригини эгаллаш ва уни асосий ҳужумкор қисмларимиз етиб келгунча ушлаб туриш даркор. Яширмайман. Вазифа жуда оғир. Кўприкни эгаллаш ҳужум муваффақиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам батальон билан бирга тажрибали офицерни юборишга қарор қилдик.

Штаб бошлиғи қувлик ила қўшиб қўйди:

— Сиздан бўлак офицерга ишониш қийин, капитан. Полкнинг жон-тани эканлигингиз бизга маълум.

— Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, ўртоқ полковник.

— Бундан бошқа жавобни хаёлимга ҳам келтирмаганман, Ғани Орифжонович,— деди чеҳраси ёришиб штаб бошлиғи,— Сизга мададга ўттиз танк ажратдик. Омад ёр бўлсин, капитан!

Кечаси билан кўрилган тараддуддан сўнг танклар учун миналардан холис этилган майдон узра ҳужум бошланди. Батальон жангчилари танкларда жойлашганча мудофаанинг биринчи чизиғини босиб ўтди. Аммо иккинчи чизиққа катта тўқнашув учраб тўхтаб қолди. Танкларнинг бир қисми ишдан чиқди, жангчилар сони ҳам сийраклашиб қолди.

Комбат капитан Гусев билан маслаҳатдан сўнг энди пиёда равишда ҳужумга боришга қарор қилинди. Танклар эса ўт очиб мадад бериб турарди.

Иккинчи ҳужум муваффақиятли якунланиб қўприк қўлга киритилди. Энди нима қилиб бўлса ҳам уни қўлда ушлаб турмоқ зарур. Батальон чор атрофдан ўзига мудофаа доирасини эгаллади. Турли томонларга разведка юборилди. Жангчилардан бири нейтрал зонада катта цистерна кўрганлиги ва унда спирт борлигини хабар қилди. Капитан Гусев ўшаёққа бориб флягасини тўлдириб келишини айтди.

— Қўйсанг-чи, Костя,— деди Мавлонов ҳушёр тортиб.

— Ҳеч нарса қилмайди,— кулди Гусев,— бир яхши қилайлик, Ғанибой.



Сиз суратда кўриб турган Юқори Чирчиқ ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи У. Абдуллаева ҳар йили 22—24 грамм ипак қуртидан 100 килога етказиб ҳосил олади. Бу йилгиси ҳам режадагидан ошиб кетди.

Сураткаш: М. МАҲМУТОВ.

* *

Қишлоқ лўлилари ҳаётидан

ЭНДИ МЕҲНАТ ҚИЛМАСАК БЎЛМАЙДИ

Сусамга бориб машина тўхташи билан Алига дуч келдим. У билан эски қадрдонмиз. Муштарийларнинг ҳам ёдидан чиқмаган бўлса керак. Ўтган йили матбуотда унинг тўғрисида бир-иккита мақола босилган, Собир Раҳимов номли совхозда 10 гектар узумзор, 18 гектар олхўризор қилгани, 10 гектар ернинг ҳаммасидан 600 тоннадан кўпроқ кади олгани тўғрисида жумҳурият радиосида ҳам хабар берилган эди.

— Сизни учратганим жуда яхши бўлди,— деди Али Мадалиев мени четроққа тортиб,— Ваъдамнинг устидан чиқдим. Мана бу йил 24 лўлилар оиласини совхозга олиб келдим. Ўзимни ижарачи бригадир қилиб тайинладилар. Қани кетдик, Бойтўпига борамиз, жамоамизни кўрасиз, кичкина байрамимиз ҳам бор.

Биз Али билан Бойтўпига томон кетдик. Йўлда Али билан унинг одамлари ишлаётган боғларни кўздан кечирдик. Катта йўлнинг ёқасидаги 10 гектарлик узумзорда Алининг аёллари, илгаритдан менга таниш Ширмоной, Меҳринисо, бригаданинг янги аъзолари Узоқбой, Раҳбар, Сайёра, Абдурашид ва бошқалар ишлаётган экан. Улар токларнинг остини чопишар, олхўриларнинг остларидаги ариқларни созлашар, ҳў пастда эса яна кимлардир дарахтларнинг орасидаги бўш ерларга эгат олиб, нималарнидир экишаётган эдилар. Уларни кўрдим-у беихтиёр ўйга толдим: лўлининг ҳам ҳар хили бор, биров ишга сиғинса, биров пулга сиғинади. Дарвоқе ҳозир ҳаммага пул керак, ҳатто ўлик ҳам пул билан кўмилади. Мол-мулк, нафс, манфаат йўлида ўз туғишганининг ҳам баҳридан кечадиган нафсиғарлар ҳам топилади лўлилар орасида.

Лекин табиат лўлилардан ўз меҳри ва қаҳрини ҳам аямаган. Улар бир ерга муқим сиғмайди, майда-чуйда хасталикка бардошли бўлишади. Аксари лўли болалари чиллада яланг оёқ юришади. Кишилари саратонда ҳам қалин тўн кийиб, уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ одамлардан хайр сўрашади. Мен йўлда Али билан бақамти суҳбатлашиб келаяпман. У менга ўз одатлари тўғрисида гапириб бораяпти.

— Лўлилар, яъни бизларнинг бебаҳо асрий одатларимиз бор, ака,— дейди Али Мадалиев,— Ака қазо қилса унинг беваси сағир болалари билан укага ёки амакига қолади. У амакига качкул тақиб садақа тиланишни, аёлига пол кўришни ўргатади. Топилган даромад кечқурун ўртага ташланади. Оила сардори ҳисоб-китоб қилади. Унинг амри билан эртаси куни бориладиган манзиллар алмаштирилади. Ҳали кўрасиз, бундай одатлар лўлиларнинг маъракаларида кўп айтилади. Уққан уқиб олади, уқмаган женсий шим кийиб, дажжолнинг орқасидан эргашиб, ҳаромхариш йўлларга юриб кетади. Ўшалардан асрасин!

— Балки сиз ҳам гоҳида яна ўша одатларни қўмсаб қоларсиз?— ҳазиломуз сўрайман Алидан.

— Мен хоҳлаганим билан энди худо хоҳламайди. Замон ўзгарди. Ҳа, энди ҳайр-садақа билан бола-чақани боқиб бўлмайди. Турмуш ҳам худди ҳайдалган шудгорга ўхшаб қолди. Унинг ўнқир-чўнқирига чидаган одамгина ҳаётини тўкис қила олади. Кўриб турибсиз, оққант, гуруч, совун, ҳатто сигаретлар ҳам қулоғимизга ўлчаб берилаяпти. Шундай кунларда одамлардан бир нимани тиланишнинг ўзи уят-ку! Очиғини айтсам, совуннинг қадрига битлаганда етасан, деганлари рост экан. Қишда Чангига борсам оғайниларнинг ҳоли бироз ҳароб. Совхозимиздаги экинчилигу, тўкинчиликни тушунтирдим, мана, 35 ишчи орқамдан эргашиб келди. Совхоздагиларнинг суйинганини айтмайсизми, дарҳол Бойтўпидаги бўш уйларни, бутун бошли қишлоқни ўзимизга бериб қўйишди...

Бойтўпининг янги номи «Подхоз» деб аталади. Бир вақтлар Янгиободдаги қудратли саноат корхоналаридан бири Оҳангарондаги Собир Раҳимов номли совхознинг шу ерини шартнома асосида олиб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Янги уйлар қуришган. Аммо кейинчалик улар кетиб, қишлоқ эгасиз қолган эди. Лўлилар шу ерга жойлашибди. Бойтўпининг атрофи чодирга тўлиб кетибди. Ўртага катта дастурхон ёзилган. Атрофга гулхан ловиллайди. Икки азамат йигит катта-катта чирмандаларни гижбанг қилиб чалаяпти. Ёш-яланг, қора-қура болалар қўшиқ айтмоқдалар.

Ёмғир ёғалоқ, эчки
соғалоқ,
Бойнинг қизининг қорни
юмалоқ...

Биз етиб борганимизда лўлилар базми бутун шавкати, анъана ва одати вахшийсурони билан давом этарди.

— Уй, қишлоқ олгани учун тўй қилишаяпти булар,— деди Али.

Биз бир чеккада кузатиб турдик. Чирманда навоси ўзгариб, ҳамма ўйинга тушиб кетди. Эрлилар ҳам, эрсизлар ҳам уларга қўшилиб, қишлоқнинг бўй қизлари ҳам рақсга тушиб кетишди. Аммо ўртада ўзгача бир эҳтирос билан рақс тушаётган қиз, балки, жувондир диққатимни тортди. У гўзал, ингичка бел-мўрчамиён, бўйнида ҳилол ва юлдуз лавҳа қилдек ингичка тилла занжирча осилган. Унинг дудоқлари майиздек, ипак сочларидан бир тутами қулоқ ости бўйнига тушган. Парча-парча қуроқ гулли кўйлак қизнинг илоҳий бир санъаткор ижоди эканлигини кўз-кўз қилади.

— Охуннинг қайлиғи,— деди Али секин шивирлаб.

Шу пайт лўлиларнинг назари бизга тушиб, икки серсоқол киши дастурхонга бошлади. Ўтирдик, ола пес пиёлада чой узатдилар.

— Одам Отадан буён тирикчилик ғалла билан ўтади,— дея юзланди ҳалиги кишилардан бири мени овқатга ундаётиб,— Одам Отанинг ўзлари биринчи марта ер чопиб, ғалла сочганлар. Шоли ҳам ғалла-ку, Алининг етагида биз ҳам шу ерга насибамизни қўшдик. Насиб бўлса, эрта-индин шолидан ҳам яхши ҳосил оламиз. Дарвоқе, бригадир, фаҳмимча, бу иним ўтган йили сани газетга чиқарган мухбирми, ия, меҳмонни таништирмаганини қара-я, Акбархон, ҳалигиндан борми,— дея тўғридаги чодир томон қичқирди у. У ердан аёл кишининг «Ҳе, ўшаароқ деганиниям» деган овози эшитилди. Ҳамсоям эса унга ҳазил аралаш жавоб қилди — Сиз айтмасангиз ҳам, ўзи кундан-кунга қуриб кетаяпти. Ҳозир биттасини 150 манатга ҳам топиш қийин.

Ёшлар пақкос кулиб юборишди.

Суҳбат асносида мен уларнинг бу ерга шоли етиштириш учун келганлигини, 15 гектар ерга «УзРОС-7» навини экишганини, совхоз уруғликни ҳам берганини, шоличилик билан Мираким Аҳмедов, Акбарали Пардақулов, Охун Аҳмедов ва бошқалар келмасларидан илгари ҳам Ўрта Чирчиқда шуғулланишганини, аксариси шолидан юқори ҳосил етиштиргани тўғрисида билиб олдим.

— Ҳамёни бутнинг, қорни тўқ, дейдилар,— дея салмоқ билан гапира бошлади Мираким дегани.— Яратганнинг каромати билан тўрт ўғил, олти қизли бўлдим. Замон ўзгарди. Лўлилар энди одамлардан айри яшолмайди. Шу боис бир неча йилдан бери деҳқончиликка ҳам ўрганиб қолдик. Агроном Каримов яхши йигит экан. Мана уй, қишда ҳам қоласизлар, иш топиб берамиз, дедилар. Уйлар яхши, кўчманчилик ҳам жонга теккан эди. Уй ҳам, бошпурт йўқ, дўконда рўйхатимиз йўқ эди. Мана, ҳаммаси бўлди. Раҳмат шу ернинг катталарига. Насиб этса, ҳар гектар ердан 5 тоннага етказиб шоли олмаганнинг ўзи номард.

Миракимнинг дил қулфи очилиб кетди.

— Хотунларимиз ҳам ишчан, хотинлари тадбиркор лўлиларнигина лўли деса бўлади!

Шу пайт ўртага овқат олиб келишди. Ундан татиб кўрдик, бу дунёники эмас, масаллиқ деймиз-у, лекин ошпаз ҳам бақувват бўлиши керак, дейди ҳамсуҳбатим.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач ҳаммамиз қўзғалдик.

— Энди мухбир ака, Ё ҳаётан Набий, ё Сарвар Коинот деб гапирай, бизнинг тўғримизда ҳам газитхонларга бир оғиз айтиб қўйинг, биз ҳам меҳнатга, муқим яшашга ўрганаяпмиз, одамлар ўйлашмасин, лўлилар текин даромад олади, деб, йўқ. Одам қилган ишни одам қилади-да ако,— деди бир лўли йигит менга яқин келиб.— Ишламасак оч қоламиз-ку, оч уйда эса қатиқ ивимайди...

Мен Бойтўпидан пешин оққанда чиқдим...

Мўмин ҚАЮМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ XI НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ҚУРУЛТОЙИ

МАЪРИФАТ ЁҒДУ СОЧАВЕРАДИ

Инсон ҳаёти илм-маърифат билан нурлидир. Зероки, яшаш фақат ейиш-ичиш, тирикчиликдан иборат эмас. Маънавий бойлик билан йўғрилган турмушгина гўзалдир. Мен бир оддий зиёкор, 50-йилларнинг бўсағасида Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Иброҳим Мўминов, Жўра Камолов, Восил Қобуловдек буюк алломалар ташаббуси билан тузилган республика «Билим» жамиятининг бир ходими сифатида ана шу ташкилот аҳоли орасида фаол иш олиб бораётганлигига гувоҳман. Мен ҳам ташкилотнинг Юқори Чирчиқ тумани бўлимида озми-кўпми суҳбатлар, лекциялар, ўқиш, уларни ташкил этиш билан шуғулланиб келаётирман. Ўтган вақт мобайнида туманимиз меҳнаткашлари кўплаб олимлар, фозиллар, маданият арбоблари, ёзувчи ҳамда шоирлар, санъаткорларнинг илҳомбахш сўзларидан ажойиб санъатларидан, жўшқин ижодларидан баҳраманд бўлдилар.

Устозлар ана шу ғоявий йўлда менга кўп нарсаларни ўргатдилар. Шунинг учун ҳам чўпонлар, сабзавоткорлар, пахтакорлар ва боғбонлар билан учрашганимда ҳамиша далиллар, ҳаётимиздан олинган мисоллар асосида тўлқинланиб суҳбатлар ўтказаман.

Шуни айтишим кераки, жумҳуриятимизнинг мустақиллик сари ташлаган одимлари бундан буён уюштириладиган гурунглар мавзусини ҳам ўзгартириб юборди. Энди мен каби суҳандонлар кўпроқ ўтмиш тарихимиз, инсоний қадриятлар, тарихий маданиятимизнинг бойлиги тўғрисида гапирадиган бўлиб қолдик. Чунки яширмайман, илгари ўз она тилимиз, бой маданиятимиз ҳақида кўпинча ошкора айтаолмас эдик. Энди янгича ҳаёт янгича сўзлашни ҳам тақазо этмоқда.

Билим тарқатувчи ходим сифатида мени яна бир нарса қувонтиради. «Билим» жамиятининг мазкур қурултойида унинг номи ҳам ўзгариб, «Ўзбекистон зиёлиларининг илмий-маърифий уюшмаси» деб аталадиган бўлибди. Бу биз учун хушхабар. Уни эшитишим билан беҳад севиндим. Дилимдаги баъзи ниятларим ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Бундай ислоҳот зиё таратувчиларнинг фаолиятида ҳам ўзгаришлар ясар деган умиддаман. Балки, ана шу қурултойдан сўнг суҳбат ўтказувчи маърузачиларни ижтимоий муҳофаза этиш муаммоси ҳам ҳал этилар. Қолаверса, бу соҳа кишиларининг заҳматли меҳнати эвазига топилган арзимаган қалам ҳақиси (гонорари) 15—30 фоизли солиқлардан озод бўлар.

Хуллас, қурултойдан кўп нарсаларни кутяпмиз. Илм-маърифат, маданият ва маънавият ютуқларини ёядиган кишиларга жумҳуриятимиз ҳукумати бефарқ қарамаслигига ишонаман. Бундай ишонч туғилишининг боиси бор. Бизнинг туманимизда районимиз ҳокими Туроб Холтоев ана шундай заҳматкаш кишиларга алоҳида эътибор билан ёндошмоқда. У маърузачиларга илм-фан таратувчилар сифатида ҳурмат ва эътибор билан қарамоқда. Бундан буён ана шу иззат-икром янада ҳам ортиб боради деб, ўйлайман.

Мавжуда МИРСАИДОВА, Юқори Чирчиқ райони «Билим» жамиятининг масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«ТУ—154» ҚАРОҚЧИЛАРИ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛДИ?

МАЪЛУМКИ, 1990 йилнинг август ойида бир гуруҳ ашаддий жиноятчилар куч ишлатиш йўли билан «ТУ—154» фуқаролар тайёрасини Покистонга олиб кетишга муваффақ бўлган эдилар. Карочи тайёрагоҳида Покистон маъмурларига таслим бўлганларидан сўнг жиноятчилар ҳибсга олинган эдилар. Халқаро қонунларга биноан улар устидан тергов олиб борилди ва суд қилинди.

Эндиликда ҳукм эълон қилинганидан сўнг уларнинг тақдирига тааллуқли маълумотларни бемалол айтиш мумкин. Шу боис Россия Бош прокурорининг ёрдамчиси А. Севастьянов «Известия» рўзномаси мухбирининг қатор саволларига жавоб беришга розилик билдирди. Унинг жавобидан қуйидаги нарсалар маълум бўлди:

— Ҳозир тайёра қароқчилари икки хонада ушлаб турилибдилар. Ҳар бир хонада беш киши бор. Кўринишдан кейинги пайтда қароқчилар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган. Аввало, улар Покистонда доимий қолиш ниятида бўлганлар. Лекин, Покистонда жазо Россиядагига нисбатан бирмунча оғир бўлганлиги сабабли жиноятчилар ўз жазоларини Россияда ўташ тўғрисида илтимосинома ёздилар.

10 кишидан иборат жиноятчиларнинг ҳаммасига умрбод қамоқ жазоси берилган. Уларнинг бошлиғи — С. Молошников ҳисобланади. С. Молошников гуруҳини шартли равишда «қайтмайдиганлар» деб аташ мумкин. Гап шундаки, улар дастлаб ўзларини коммунизмга қарши, совет тузумининг қурбонлари қилиб кўрсатишга уриндилар. Маҳаллий маъмурлар уларнинг латифаларига ишониб келдилар. Молошников, ҳатто, соқчи кузатувида, қамоқхонадан ташқарига чиқиб айланиб келиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. Унинг шериклари махсус ёлланган ўқитувчилар томонидан инглиз ва урду тилига ўқитила бошладилар.

Бу гуруҳдаги жиноятчилар кимлар ўзи?

С. Молошников безорилик, босқинчилик, ўғирлик учун бир неча бор жавобгарликка тортилган. Унинг «дўсти» В. Бобков ҳам ашаддий безори бўлиб, тайёрани олиб қочишдан аввал қотиллик учун ҳибсга олинган эди. Уларнинг учинчиси В. Евдокимов — у ҳам босқинчи, ўғри, безори сифатида донг таратган.

«Устозлар» орасида икки нафар «шогирдлар» — балоғатга етмаган К. Шатохин ҳамда 22 яшар А. Сомовлар бор. Уларнинг биринчиси тайёра олиб қочилган кунда 16 ёшга тўлган эди. Унинг катта айблари йўқ. Автомашиналардан у-бу нарсаларни «шилганлиги» учун изоляторга тушиб қолган эди. А. Сомов бўлса 48 шиша арақ ўғирлаганлиги учун ҳукмни кутаётган эди. Уларнинг Евдокимов ёхуд Молошников тазйиқи остида мазкур гуруҳга қўшилиб қолганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Умрбод қамоққа ҳукм қилинганларидан сўнг «юрак ютганлар» ўз фикрини ўзгартириб, Сибирга жўнаш истагини билдирдилар.

Энди иккинчи гуруҳ ҳақида тўхталайлик. Уларни боя айтганимиздек, шартли равишда «қайтишга мойиллар» деб аташимиз мумкин. Улар С. Шубенков, Н. Хайченко, М. Левченко (балоғатга етмаган), В. Петров ҳамда А. Исаковлардан иборат. Улар ҳам илгари турли жиноятлари учун неча бор судланганлар.

«ТУ — 154» тайёраси қароқчилари тақдири эндиликда нима бўларкин? Бу саволга Покистон ва Россиянинг тегишли маҳкамалари ўртасида мулоқотлардан сўнг яқин кунларда жавоб чиқиб қолса ажаб эмас. Айтайлик, уларга Россияга қайтиш учун ижозат берилди. Ундай тақдирда, улар устидан қайта суд ўтказилади ва янги ҳукм чиқарилади.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ОТИШМАЛАР ТЎХТАДИ, БИРОҚ...

● КЕЙИНГИ кунларда Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида отишмалар яна авжига чиқиб, эндигина изга тушаётган тинч ҳаёт бузила бошлади. Бунинг боиси эронпараст ҳисобланган Ислом бирлиги партияси билан Саудия Арабистонига ихлос қўйган Афғонистонни озод қилиш ислом иттифоқи ўртасидаги ихтилофлар бўлди.

Гап шундаки, асосан шиалардан иборат бўлган Ислом бирлиги партияси жангарилари ўзларининг қароргоҳларида муқим турган эдилар. Бироқ, бирмунча муддат илгари Кобулни ташлаб чиқиб кетиб, унга яқин бўлган Пағмон деган жойда ўрнашиб олган Афғонистонни озод қилиш ислом иттифоқи ҳаракатига кирганлар ўзларининг раҳнамолари Сайёф билан бирга яна пойтахтга қайтиб келганларида илгари ўзлари эгаллаган ҳудудларни Ислом бирлиги партияси вакиллари эгаллаб олганлигининг гувоҳи бўлдилар. Орадаги даҳанаки жанглар натижа бермагач, навбат қурол ишлатишга келди. Натижада отишмалар авжига чиқди, тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бўлди. Жароҳат олганлар сони ҳам кўпайди. Бир неча бино вайронага айлантирилди. Шу орада Жиҳод кенгаши раиси Сибғатулло Мажидиддин сўзга чиқиб, ҳар иккала томонни отишмаларни тўхтатишга даъват қилди. Акс ҳолда можарога ҳукуматни қўллаб-қувватлаб турган қисмлар аралашажаклигини айтди. Мудофаа вазири Аҳмад Шоҳ Масъуд ҳам пайтни бой бермай, ўз танкларини чорраҳаларга чиқарди. Тартибни изга солишда ўзбек генерали Дўстимнинг аскарлари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Ҳозирча Афғонистон пойтахтида осойишталик ҳукм сурмоқда. Бироқ, қатор шарҳчилар бу тинчлик узоққа чўзилмайди, деган фикрни ҳам айтмоқдалар.

ЧСФЖ ПАРЛАМЕНТИДАГИ АҲВОЛ

● ЯҚИНДА ўтказилган ЧСФЖ парламентига сайловлар натижаси эълон қилинди. Якунларга қараганда, аввал кутилганидек, Чехия жумҳуриятида ўнг партиялар вакиллари ғалаба қилди. Словакияда эса сўл ва миллий мўлжалдаги ҳаракатлар вакилларининг қўли устун бўлди. Умуман, сайловларда сайловчиларнинг 86 фоизи — аввалги сайловлардагига нисбатан 10 фоиз кам киши иштирок этди. Парламентдаги асосий ўринлар собиқ бош вазир Владимир Мечьяр раҳбарлигидаги уюшмага тегади, деб тахмин қилинмоқда.

КПСС МАБЛАҒЛАРИ ИЗИДАН

● АНГЛИЯДА чиқадиган «Файнэншл таймс» рўзномаси қуйидаги хабарни чоп этди: «Америкалик мутахассис Ж. Кролл фикрига қараганда, собиқ Совет Иттифоқи тузуми олий даражадаги раҳбарларининг чет эл банкларига жойлаштирган маблағлари СССР нинг хорижий мамлакатларга тўлайдиган ҳозирги қарзидан ҳам анча кўп бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда., Маълумки, Ж. Кролл Россия ҳукумати илтимосига биноан собиқ коммунистик тузум маблағларини хорижий мамлакатлардаги банклардан изламоқда. Тахмин қилинишича, пуллар асосан Греция, Кипр, Швейцария, Австрия, ГФЖ, Буюк Британия, АҚШ ҳамда бошқа қатор мамлакатлар банкларида сақланмоқда. Ўз тафтишини бошлаганидан сўнг ўтган тўрт ой мобайнида Ж. Кролл чет эл банкларида сақланаётган 22 та шубҳали счётларни топишга муваффақ бўлди. Уларнинг ҳаммаси 1985 йилдан сўнг очилган».

ПАРЛАМЕНТ САЙЛАНДИ, РАИС ЭСА ЙЎҚ

● ЯҚИНДА Ироқ Курдистони Миллий ассамблеяси (парламенти)га сайловлар бўлиб ўтди. Мўлжалланган номзодларнинг кўпчилиги сайланди. Бироқ, президент ваколатларига эга бўладиган парламент раиси масаласи ҳамон очиқ қолмоқда. Курдистон демократик партияси раҳбари Масъуд Барзоний билан Курдистон ватанпарварлар иттифоқи партияси бошлиғи Жалол Талабоний ўртасидаги «тортишув» ҳал бўлгани йўқ. Уларнинг иккови ҳам мутлақ кўпчилик овоз ола олмадилар. Шундай қилиб, парламент раислигига даъвогар бўлган саккиз кишидан икки киши қолди. Бир неча ойдан сўнг ўтказиладиган сайловнинг иккинчи босқичида М. Барзоний билан Ж. Талабоний ўртасидаги рақамларга аниқлик киритилади.

МУССОЛИНИ НАБИРАСИНИНГ ДАЪВОСИ

● ЯҚИНДА собиқ фашист ҳукмдор Муссолинининг набираси Алессандра Муссолини эркаклар ойномаси — «Плеймен»ни судга берди. Гап шундаки, мазкур журнал Алессандра бир ибосиз фильмда суратга тушди, деган хабарни босиб чиқарган эди. А. Муссолини оқловчилари полицияга ойноманинг барча нусхаларини мусодара этишни таклиф қилди. Алессандранинг ўзи эса ҳеч қанақа шарм-ҳаёсиз фильмларга алоқам йўқ, судда «Плеймен» шубҳасиз ютқазади, деди. Шундай қилиб, А. Муссолини ойнома тўлайдиган катта жаримага умид тутиб турибди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Бир соатлар ўтар-ўтмас жангчилар оғир яраланган капитанни кўтариб келишди. Гусев бошидан ўқ еби. Душман снайпери цистернага борганларни ўққа тутибди.

— Айб ўзимда, Ғани,— деди гуноҳкорона Гусев. Кейин оҳиста кўзини юмди. Спирт тўла фляга қўлидан тушиб кетди.

Капитан Мавлонов икки йил не-не қонли жангларда бирга бўлиб соғ чиққан Гусев арзимас нарса дея қурбон бўлганига сира ишонгиси келмади.

— Минг лаънат бундай спиртга,— дея ҳайқирди у фляганн улоқтириб,— шуни деб ўлган қуролдошим руҳига қасамёд қилиб айтаманки, ўла ўлгунимча бу шайтон сувини оғзимга олмайман!

Капитан Ғани Мавлонов бу қасамига қирқ уч йил амал қилди. Вафотига қадар, фан доктори, академик бўлгандаги тантаналарда ҳам, тўй-ҳашамларда ҳам ичмади. Ҳатто пивони ҳам оғзига олмади.

Ўша кўприк олдида капитан Мавлонов батальонга командирликни қўлга олиб душман қарши ҳужумини қайтарди. Ўшанда у контузияланди. 500 кишилик батальондан атиги 30 киши тирик қолди.

САДОҚАТ

1957 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг кенгайтирилган йиғилишига Ўзкомпартия Марказқўми котиби ҳам ташриф буюрди. Президент Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев кадрлар танқислиги ҳақида гапирганда бир овруполик олим луқма ташлади.

— Кеча сизга Украинадан бир неча кишини ишга чақиришни айтганимда таклифимни рад этгандингиз-ку, яна кадр етишмайди, дейсиз.

Президент унга нигоҳини қаратиб чап қўл билан юзини оҳиста силаганча жавоб берди:

— Сизга, ҳурматли ўртоқ... Украинадан, Россиядан қанча илмий ходим керак бўлса, вагонлаб олиб келиш мумкин. Лекин бизнинг мақсадимиз маҳаллий миллатлардан, ўзбеклардан олимлар, мутахассислар етиштириш. Бунга биз жон куйдирмасак, ким ҳам қайишарди.

Бир чеккада ўтирган Ғани Мавлонов жуда тўғри дея бош силкиди. Марказқўм котибининг қовоғи осилиб кетди. У Ҳабиб Абдуллаевга, сўнг академик Мавлоновга еб қўйгудек ўқрайди.

Йиғилиш тугаб барча тарқагач Ҳабиб дўстига маънодор боқди.

— Ҳабиб,— деди Ғани ака,— бояги одамнинг саволига нима деб жавоб берар экансан, деб чўчиброқ турувдим.

— Эй,— қўл силтади Ҳабиб ака, булардан қачонгача қўрқамиз. Агар биз қўрқоқлик қилсак, келгуси авлод биздан домонгир бўлади.

— Рост айтасан, дўстим, — деди чуқур хўрсиниб Ғани ака. Тўғри гап туққанингга ҳам ёқмайди, дейишади. Ҳабибнинг бошига энди Марказқўмдан маломат ёғилмаса гўрга эди.

Геология институти партия ташкилоти котиби сифатида у ёнига ўринбосари Обиджон Акромхўжаевни олганича Марказқўмга борди. Улар биргаликда фан бўлими мўтасаддисининг қабулига киришди. Чўрткесар, тўғри сўз Ғани ака жанговар офицерга хос дангаллик билан Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги бўҳтонлар асоссизлигини гапириб партия уни ҳимоя қилиши зарурлигини таъкидлади.

— Сизлар бу ишга аралашманглар,— деди фан бўлими масъул ходими тўраларча донолик қилиб. У гўё шифтга имо қилгандек эди.

Мавлоновнинг қони қайнаб кетди. Деҳқонга хос оддийлик бундай калондимоғликни ҳазм қилмасди.

— Агар сан,— деди Ғани ака дона-дона қилиб унга,— ҳақиқатни кўрмасанг, жумҳуриятимиз фахри бўлган Ҳабиб Муҳамедович ҳақида жон куйдирмасанг, бу ерда нима қилиб ўтирибсан, сенинг бир тоғора хамирдан нима фарқинг бор?

Ахир ўшанда Обид ака уни қучоқлаб қабулхонадан олиб кетмаганида нима бўлиши қоронғу. Аммо жасур офицер Мавлонов ҳеч кимдан ҳайиқмади. Дўстини ҳимоя қилиб чин ҳақиқатни айтди. Абдуллаевни академия президентлиги лавозимида қолдиришга тавсия этишини билдирди.

Партия Марказқўмидаги катта тўралар Ҳабиб Абдуллаевни президентликдан олишганидан кейин ҳам тинчимай аппаратчиларга хос мунофиқ тарзда буюк олимни миллатчиликда айбловчи фельетонни тайёрлаб «Правда»да бостиришга тайёрлашади. Бундан вақтида огоҳлантирилган Ғани Мавлонов комиссарга хос оперативлик билан Москвага учади ва тайёр териб саҳифаланган фельетонни саҳифадан олдириб ташлашга муваффақ бўлади.

Садоқат деб ана шуни айтса бўлади.

УНДАН ҚОЛГАН НОМ ВА БОҒ

(Укамнинг ҳикояси)

Ғани аканинг шогирдларидан бири бўлган укам Шуҳрат сейсмология илмгоҳида ишлайди.

— Бир куни,— ҳикоя қилади у,— эрталаб эшик қўнғироғи жиринглади. Очсам, Ғани ака турибдилар. Қўлларида кўчат. Қани, Шуҳратжон, буни ҳовлига экайлик дедилар-да, ўз қўллари билан шотутни экдилар. Мен эсам уларга ваъда қилган нок кўчатини устозга бердим.

Укам ҳовли чеккасида турган шотутга қараб ўйга чўмди.

— 1985 йилда Ғани ака менга бир нозик юмуш буюрдилар. Баҳор эди. Тошкентда «1976—1984 йиллардаги Газли зилзиласини ўрганиш тажрибаси» мавзуида бутуниттифоқ кенгаши ўтмоқда эди. Устоз унга раис эдилар.

— Эртага кенгаш қатнашчилари учун зиёфат ташкил қилишимиз керак,—гап бошладилар Ғани ака, —биласиз, рус ўртоқлар арақсиз овқат емайди. Аммо ичкилик қўйиш тўғри келмайди, биласиз, Горбачев фармонини... Анави Марказқўмдаги ҳокима усиз ҳам менга ёпишиб турибди. Арақ қўйсак яхши дастур берамиз унга. Хуллас, шу иш назоратини сизга юклайман.

Ғани ака юклаган юмуш нақадар нозик эканлигини зиёфат чоғида билдим. Янги қўй гўштидан тайёрланган шўрва, кабоб, палов бир автобус бўлиб даладаги баҳаво, кўм-кўк жойга келган меҳмонларга мунтазир эди. Дастурхон шоҳона, лекин ичкилик йўқ. Меҳмонлар дастлаб яйраб ўтиришди. Улар шишани узоқ кутишди. У бўлмагач, овқатлардан озоз тотиниб зиёфатни тарк этишди. Кўпчилик, ҳатто ҳамкасбларим ҳам мендан ранжишди. Аммо мен Ғани акага берган ваъдамни бажардим. Устоз эртаси куни менга раҳмат айтдилар.

Партия тўралари барибир устозни тинч қўйишмади. Ўзи ташкил қилган биринчи директор бўлган сейсмология илмгоҳи директорлигидан кетказишгандан сўнг ҳам таъқиб давом этди. Ўша кезлари Ғани ака саломатликлари ёмонлашди. Доимий тазйиқ, майда-чуйда иғво бўҳтонлар забардаст одамни ҳам ҳолдан тойдираркан, «Ҳеч бир банда ёши бир жойга борганида адолатсизликка учрамасин. Кекса таннинг унга қарши курашиши мушкул экан», деганларида жон бор эди. Бу гапларни урушда неча бор ўлимга чап берган, йирик кашфиётлар қилган, 300 га яқин илмий асарлар ёзган, етти фан доктори ва 70 фан номзодини етиштирган олим устоз айтдилар.

Ғани ака жисмонан бақувват, чинакам деҳқон эдилар. Уларнинг беш килолик катта кетмонлари бўлиб, улар ўнлаб боғларни яратган боғбон ҳам эдилар. Илмгоҳимизнинг ўт босган 20 гектар ерини боғга айлантирган ҳам уларнинг шу кетмонлари эди. Домланинг бир одатлари бор эди. Туғилган кунлари лабораторияларида дастурхон тузаб қўяр эдилар. Унга ўзларининг боғларида етиштирган меваларни қўярдилар. Кимки улардан тотиниб боғини суриштирса қувониб ҳар дарахтлари таърифини қилардилар. Шунда биз уларнинг чинакам, қўли гул деҳқон боғбон табиатларига тан берардик. Шундоқ одамни туҳмат балоси, иғво чаённи ағдарди. Ёдимда, Домлани лаборатория мудири сифатида ҳам тинч қўйишмай партиявий тафтиш бошлашганда устоз ишга ҳам қўл силтадилар. 1988 йил 11 март куни улар сўнгги марта илмгоҳга келдилар. Лабораториядаги чойнак, пиёлаларини ип тўрвага солиб «энди ҳеч қачон бу даргоҳга келмайман» дея этак силкиб кетдилар. Эртаси куни билсак Ғани ака ўша куни уйга келиб дам олишга ётган ҳолда бир неча соатдан сўнг жон таслим қилибдилар.

Баъзан ўйлаб қоламан. Балки домла ўша куни бутун умрлари мазмуни бўлган, ўзлари яратган, фарзандларидек азиз илмгоҳдан ажраганлари ўкинчидан вафот этгандирлар? Ахир илмгоҳсиз ҳаётлари маъниси қолмас эди-да!

* * *

Ҳар гал укамнинг уйига келганимда энди кўкка бўй чўзиб ҳосилга кирган шотутга қараганда Ғани акани эслайман. Бутун умрини она ер сирини билишга, уни қадрлаш, севиш, ардоқлашга сарфлаган, ўзидан яхши ном, яхши боғ қолдирган буюк инсон руҳи олдида таъзим қиламан.

Ҳамдам СОДИҚОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

• МУШОИРА—92



НУСРАТ Каримнинг шеър ва ғазаллари жумҳуриятимиз матбуоти саҳифаларида мунтазам босилиб туради. 1990 йили Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти унинг «Олис юлдузим» номли шеърлар мажмуасини чоп этди.

Қуйида шоирнинг янги машқларини эътиборингизга тақдим этамиз.

ОРЗУ

Икки ён осилган бунёдсиз қўлим,
Агар эврилсайди кучли қаноатга,
Опичлаб элтардим сени жон элим,
Ул мовий диёрга — ҳур самоватга.

Инқирозга учраб лол бўлган тилим,
Агар эврилсайди олмос ханжарга,
Осмонни қоплаган булутни тилиб,
Поклигинг сўйлардим шамси анварга.
Агар маним маҳкум этилган таним,
Инсондек қад ростлаб кўтарганда бош.

О, юртим бағрингга тегиб ҳур насим,
Уфқингда куларди музаффар қуёш.
Кўксимга тутилган таъзимкор қўлим,
Агар эврилсайди ёвқур қанотга.
Жондан кечиб сени заҳматкаш элим,
Қучиб элтар эдим нурли ҳаётга...

ШЕЪРИЯТ

О, шеърият — туғёнкор денгиз,
Сеҳринг ила қудратинг тенгсиз.
Мавжларингда ўзни унутиб
Сузсам эди тўш уриб ҳаргиз.

Эй, муқаддас оташ — ҳиссиёт,
Ўзингдирсан менга эътиқод.

Сидқу ихлос бўлмаса қалбда
Камол топмас ҳеч бир истеъдод.

Сеҳринг аро қолдим бенаво,
Назм дунёси — чексиз ҳайратдир,
Мени чорлар ул сирли маъво.

Қурбон бўлсин жон ила кўнглим —
Ишқ йўли гар абадиятдир,
Фидоийлар топмагай ўлим.

БАХШИЁНА

Мардлар туғилган юртда
Номард инсон бўлмасин,
Ўзга юртда йиғитнинг
Ранги сомон бўлмасин.

Ёвга қаршн от солиб
Майдон сари кирганда,
Жангда синиб қиличи, —
Шаъни пайҳон бўлмасин.

Элда бордир нақлким:
«Эрни номус ўлдирар».
Ёри хиёнат айлаб,
Бахти хазон бўлмасин.

Қаро кунда ногаҳон
Ҳақ сўзинг ноҳақ бўлиб,
Бошга кулфат солгувчи
Нокас замон бўлмасин,

Мардниng жони —
Ватандур,
Ундан айру тушганда
Юртнинг сиқим тупроғи,—
Узилган жон бўлмасин.

Эл бахтини куйламоқ —
Нусрат учун муроддир,
Авжида тор узилиб,
Қалбда армон бўлмасин!

Нусрат КАРИМ.

ОТ ЙИЛИ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Туш кўрдим: бир ажаб жайрон — оқ тулпор,
Ғиротдек қанотли елдирим, девкор.
Шиддатли довулдек пишқирган асов,
Туёғи — чақиндир, ёллари — олов...
Учмоққа чорларди мовий кўк томон,
Шитоб ила мингил, бу — сўнгги имкон...

— Эй, ўғлон, уйғонгил, кўз оч ғафлатдан,
Сени озод этай тубсиз зулматдан.
Туёғим — чақиндир, ёлларим — олов,
Шиддатим — довулдир, қудратим — асов...
Учқурдир қанотим, саботим — орзу,
Юлдузлар кўзидан ичарман ёғду,
Мени алқагандир тангрининг ўзи,
Манглайимда чақнар тонгнинг юлдузи.

— Эй, ўғлон, кўзинг оч, уйғон ғафлатдан,
Мангу озод этай сени зулматдан.

Мен эса ғафлатдан кўз очолмадим,
Зулмат тўшагидан ҳеч кечолмадим.
Учсам, ҳазон бўлур мевали боғчам,
Кимга сабил қолур бола-ю бакрам?
Тер тўкиб йиққаним — ганжи ҳиротим,
Кимга талаш бўлур мулки бисотим?
Молу мулк хаёлим чирмаб олганди,
Худбинлик ошимга оғу солганди.
О, менга панд берди ноқис журъатим,
Учмоққа етмади ожиз қудратим.
Бир лаҳза боқди-ю, самовий нонб,
Баногоҳ пишқириб бўлди сўнг ғойиб.
Энди учмоқ бўлиб яшарман зор-зор,
Лек тушга ҳам кирмас ўша оқ тулпор...







«ЁШЛИК БАҲОРИ» ҒОЛИБЛАРИ

Бўстонлиқ районн маданият саройида ҳаваскор рақҳосалар кўрик-танлови ўтказилди. Унда боғча ёшидаги жажжи қизалоқлардан тортиб хореография билим юртида таҳсил оладиган ўсмир ва қизлар иштирок этишди.

Кўрик-танлов қатнашчилари шарқ халқлари ва ўзлари хоҳлаган рақсларни ижро этишиб, йиғилганларга завқ бағишладилар. Саҳна маданнятн, жозибали рақси, истеъдоди ҳисобга олиниб бош соврин 15-ўрта мактаб ўқувчиси Гулбаҳор Эргашевага, 1-ўрин 3-мактаб ўқувчиси Гулноза Хайтбоевага ҳамда 2-мактаб ўқувчиси Наргиза Бобораҳимоваларга берилди. Уларга кўрик-танловнинг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Район маданият уйи ташкил этган бу кўрик-танловга халқ таълими район бўлими, ёшлар иттифоқи район қўмитаси, Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинати, давлат корхоналари касаба уюшмаси район қўмитаси, Ғазалкент ойна заводи ва бошқа бир қанча корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилишди.

Шунингдек, «Юлдузча», «Солнишко» ва 5-сон болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқишлари ҳам барчани хушнуд этди.

Гулнора УМАРОВА.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

• ФУТБОЛ

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН

● РЕСПУБЛИКА футбол жамоалари ўртасида биллур соврин учун нимчорак баҳсларининг биринчи давраси бўлиб ўтди. Учрашув натижалари билан таништир экансиз, улар орасида «Пахтакор»-ни қидириб ўтирманг. Негаки тошкентликлар бундан аввалги давра беллашувларида Тошкентнинг «Трактор» футболчиларига умумий ҳисобда ён босишга мажбур бўлиб, кейинги босқич ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишган эди.

Бўлиб ўтган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Чирчиқ» — 2:0, «Нефтчи» — «Шаҳрихон» — 5:2, «Янгиер» — «Навбаҳор» — 0:0, «Наврўз» — «Шифокор» (Гулистон) — 4:0, «Мароқанд» — «Зарафшон» — 2:1, «Темирйўлчи» — «Норин» (Ҳаққулобод) — 3:1, «Трактор» — «Косонсой» — 2:0, «Зарангар» (Ғиждувон) — «Атласчи» (Марғилон) — 0:6.

Нимчорак баҳсларининг такрор ўйинлари 14 июнь якшанба куни бўлади.

Ўтган куни эса республика биринчилигининг навбатдаги ўн бешинчи давра ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Самарқандда «Мароқанд»га қарши майдонга тушди. Ўйин 4:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига тугади. Иккинчи пешқадам «Нефтчи» эса Жиззахда «Сўғдиёна» футболчиларн меҳмони бўлди. Бу учрашув 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Бўлиб ўтган ўйинлардан сўнг «Пахтакор» 20 очко билан якка пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари эса 19 очкога эга.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

МАСЖИД ҚУРИЛДИ

НОҲИЯДАГИ Сариғамғали қишлоғида янги масжиднинг қурилиб, ишга тушиши яхши иш бўлди. Уни 478-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари барпо этишди. Натижада шу қишлоқлик номозхонларга қулайлик вужудга келди. Энди уларнинг узоқроқдаги шундай масканларга боришларига ҳожат қолмади. Бундан, айниқса, кексалар хурсанд бўлишди.

А. МАҲКАМОВ.
Оҳангарон.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг 70 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Мана ярим асрдирки, мўйқалам устаси ўз ижодида замондошимиз ташқи қиёфасинигина эмас, балки унинг бой ички дунёсини ҳам рангин бўёқларда моҳирона акс эттирмоқда. Рассомнинг «Колхозчилар», «Сурхондарёлик аёл», «Механизатор», «Йигит» сингари асарлари бунга мисол бўла олади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

(ЎзА).

МЕҲР-МУРУВВАТ ҲАР КУНИ КЕРАК

РАҲМАТ, ФИРМА!

Тошкентнинг Юнусобод районн ҳокимиятида «Зуррнёт» ҳайрия фирмаси рўйхатга олинди.

Мустақил бўлган меҳр-мурувват жамғармаси етимесирларга оталик қилади, уларнинг ҳар томонлама билимли, маданиятли кишилар бўлиб етишишида, анъанавий одатларимиз ва удумларимизга садоқатли бўлишларига ҳар томонлама ёрдам беради.

(ЎзА мухбири).

«НАНАЙ»... «ДЎСТЛИК» ГАПИРЯПТИ

ТОШКЕНТ-ТЕРМИЗ катта автомобиль йўлининг Янгийўл ноҳиясидаги биринчи давлат автомобиль назорати посги бошлиғи Саидкарим Сайдалиев ишга ҳар куни ярим соатча барвақт келишни одат қилиб олган. Мана бугун ҳам одатдагидек постга келиши билан навбатчининг ахборотини тинглаб, вилоят давлат автомобиль назорати бошқармасига бир кеча-кундузлик иш якуни бўйича ахборот берди.

«— Нанай, Нанай...», «Дўстлик» гапиряпти, рапортни қабул қилиб олинг...» Навбатчи Фозил Каримовнинг туни билан мижжа қоқмай чиққани қизарган кўзларидан билиниб турарди. Тунда иккита енгил машинанинг бироз шикастланганлигини ҳисобга олмаганда навбатчилик енгил ўтди.

Бошлиқ бошқармага ахборот бериб бўлгач, ҳодимларга янги иш куни режаларини тушунтириб, оқ йўл тилади. Ҳар ким ўз пости томон йўл олди. Суҳбатдошимиз билан анчагина катта ҳовлини айланамиз. Чап томонда шикастланган енгил машиналар, юқорида ўғирланган ва ёқиб юборилган автомобиллар. Мўъжазгина қўрага кўзимиз тушди.

— Қўйлар ҳам сизларникими?

— Ҳа, булгур ёзда ходимларимиз ўзаро пул йиғиб, ўн бешта совлиқ харид қилишганди. Бу йил, эрта баҳорда ҳаммаси қўзилади. Бирор тадбир, байрам ёки тўйларда сўйиб ишлатиш ниятидамиз...

Бир тарафи азим Тошкент, иккинчи томони Сирдарё кўпригигача бўлган катта йўлни назорат қилиш биринчи пост зиммасига юкланган. Саидкарим Сайдалиев суҳбат давомида бахтсиз йўл транспорти ҳодисалари камаймаётганлигини куюниб гапирди.

— Қоидабузар ҳайдовчиларни жазолаш осон, лекин, уларнинг айбини тушунтириш, такроран бундай қилмасликка даъват эта билиш ниҳоятда муҳим...

Бошлиқ ҳамиша пост назоратчиларига ана шу зайилда ишлашни таъкидлайди. Хизмат бурчларини кўнгилдагидек адо этаётган назоратчилардан Акром Абдуллаев, Мирзакамол Нишонбоев, Маҳамадрашид Мамадалиевлар яқинда бошқармaнинг пул мукофотлари ҳамда милиция аълочиси нишони билан тақдирландилар.

... Кечки соат еттиларда Александр Кимни машина уриб кетди. Ўзини йўқотиб қўйган жабрланувчи машинанинг номерини эслаб қололмади. Фақат «Москвич» маркали машина эканлигини айта олди. Гулбаҳор посёлкасида содир бўлган бу воқеа взвод командири Маҳмуд Ўринбоевнинг Янгийўл ноҳия ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бўлинмаси бошлиғи Ислом Олимов билан бирга кўрган шошилинч чора-тадбирлари натижасида бир кунга қолмай очилди. Янгийўл шаҳридаги Моторная кўчаси, 9-уйда яшовчи Ф. Норхўжаев айбдор бўлиб чиқди.

... Шоҳ йўлда кеча-кундуз машиналар қатнови тинмайди. Уларнинг ҳаракатини назорат қилувчилар ҳам ҳамиша сергак.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

СОТИЛАДИ

● Катта ҳовли, (7,5 сотих ери ҳам бор) сотилади. Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Зангиота ноҳияси «Ўзғариш» совхози, 3-бўлим, 192-уй, Неиков В. М.

● Янги ва яхши сақланган уй жиҳозлари сотилади. Телефон: 67-15-78.

АЛМАШТИРАМАН

● Сирғали-7 даҳасидаги 9-қаватдаги янги қиёфадаги 54 кв. метр. ли (ошхонаси 16 кв.м), ойнаванд балконли 4 хонали уйимни Юнусобод ёки Себзор даҳасидаги 4 ёки 3 хонали уйга алмаштираман. 68-15-10 телефони орқали соат 17.00 гача, 62-44-93 телефони бўйича хоҳлаган вақтингизда қўнғироқ қилинг.

ИЖАРАГА БЕРАМАН

● Чилонзор даҳаси Фарҳод бозори яқинидаги 1 хонали уйимни сўм ёки эркин муомаладаги валюта ҳисобига идора учун ижарага бераман. Телефон: 76-47-20.

ЭВАЗИГА МУКОФОТ

● 4 июнь куни кечқурун «ГАЗ-52» маркали автобусда кўк рангли «Монтана» сумкаси йўқолган. Сумкада «Вега» магнитофони, 1971 йилда туғилган М. А. Михайномига берилган паспорт, шоферлик гувоҳномаси, Фрунзе (Бешкек) шаҳар ҳунар-техника билим юртини тугаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва оқ рангдаги пардоз қутичаси бор эди. Илтимос паспортда қайд этилган манзилга жўнатсангиз эвазига мукофот оласиз.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур ноҳиясидаги 41-ўрта мактаб томонидан Тоҳир Баҳромжонович Содиқов номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

● Тошкент шаҳар, Яккасарой ноҳиясидаги 20-ўрта мактаб томонидан Маҳбуба Ўктамовна Ибрагимова номига берилган А № 507949 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

● Тошкент ноҳияси уй-жой коммунал хўжалик бўлими қошидаги «Бинокор» ширкатининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампи;

● «Тошкент» агрофирмаси қошидаги «Мустақил» кичик корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампи

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

● Шайхонтоҳур ноҳия ижроия қўмитасига қарашли «Ленотиш» ширкати

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

ҲАР ТЎҒРИДА

БОДРИНГ — КАЛЛИККА ҚАРШИ

● МИСРЛИК оддий деҳқон калликка қарши восита топганлиги ҳақидаги хабар маҳаллий матбуотда босиб чиқарилганида кўпчилик бунга ишонқирамади. Оддий деҳқон қаёқда-ю, соч тўкилишининг олдини олиш қаёқда!? Не-не олимлар бу муаммо устида бош қотириб, бирор арзирли натижага эришолмаётганликлари ҳаммага маълум-ку! Бу янгилик кўпчиликни, албатта, биринчи навбатда мутахассисларни қизиқтириб қўйди. 56 ёшли деҳқон Али Мамдух Сисси ишлаб чиққан дори клиник синовлардан ўтмоқда.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, тасодифан содир бўлди. Асосий сабаби — қизиқиш, эътибор бериш бўлди, дейиш мумкин. Сисси ёшлик пайтидаёқ бир жойда бодринглар силлиқ, иккинчи жойда тукли бўлиб етилишини пайқади. Нима учун шундай бўлиши билан жуда қизиқиб қолди. Маълум бўлишича, «кал» бодринглар шўрхок тупроқда етилар экан.

Деҳқон суви теридаги тузларни камайтирувчи кўкатларни териб олабошлади. Аввалига жониворларда синовдан ўтказди, кейинчалик қўлбола дорини ўз ўғлида тажриба қила бошлади. Натижаси кўнгилдагидек бўлиб чиқди. Шундан кейин Сиссининг қишлоғида яшовчи калбош қўни-қўшнилари илтижо билан унга мурожаат қила бошладилар. Ҳаммаларининг сочлари янгидан ўсиб чиқди. Шундан кейин деҳқон фанлар академиясига ўзи яратган дорига патент беришни илтимос қилиб мурожаат қилди.

Доришунослар, одатда, мустаҳкам ҳисобланишади. «Аль-Ахром» уикли» ҳафталигининг маълумотига қараганда, синаш икки йилни эгаллаши мумкин. Ҳозирча рўзномалар Сисси ва унинг мижозларининг даволанишдан олдинги ва кейинги суратларини беришмоқда, бироқ, деҳқоннинг манзилгоҳини сир сақлашаяпти.

ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИНСА

● ЭФЭ агентлигининг фикрича, агар Бразилияда қонуннинг ҳар бир ҳарфига амал қилинса, 155 миллион кишилик бутун бу мамлакат жаҳондаги энг катта қамоқхонага айланган бўларди.

Ҳамма гап шундаки, 1940 йилда қабул қилинган ва ҳамон амалда бўлган жиноят мажмуасига кўра, ҳатто, ачитиб гапириш ва сўкишқарғашларни ишлатиш каби «гуноҳлар» ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. Олдиндан полицияга маълум қилмасдан туриб, беш кишидан ортиқча тўпланиш ҳам мумкин эмас. Ўз уйини севишганларининг дийдор кўришишига бериб қўйиш эса 2 йилдан 5 йилгача қамоқ билан жазоланади. Кўпчилик олдидаги ҳақоратомуз ҳатти-ҳаракатлар 3 ойдан бир йилгача озодликдан маҳрум бўлишга олиб келади.

БИРИ ОҚ, ИККИНЧИСИ ҚОРА

● ЛОНДОНДА истиқомат қилувчи эр-хотин Смитлар оиласида ғаройиб эгизаклар туғилди. Уларнинг бири қиз бола онаси ирланд аёлига ўхшаб оқ танли, иккинчиси эса отасига ўхшаб қора танли эди. Олимларнинг фикрича, оқ-қора эгизакларнинг туғилиши ноёб ҳодисадир.

(ЎзА).

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Қибрай ноҳия халқ таълими бўлими қобилиятли болаларни Улуғбек номли 45-кўп йўналишли махсус мактаб-олийгоҳнинг 10-синфига фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан олийгоҳнинг тайёрлов бўлимига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш соҳалар бўйича ўзбек тилида олиб борилади. Бу ўқув даргоҳига кирувчилар Тошкент тиббиёт олийгоҳи, Техника дорилфунуни, Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари, Шарқшунослик, Архитектура ва қурилиш олийгоҳларининг комиссиялари иштирокида олинган ёзма иш асосида

ОЛИЙГОҲ ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ ИШТИРОКИДА

синов-кириш имтиҳонларини топширадилар.

Тошкент тиббиёт олийгоҳига кирувчилар кимё, биология, она тилидан (ёзма), Темирйўл транспорти муҳандислари олийгоҳи, Техника дорилфунуни, Архитектура ва қурилиш олийгоҳларига кирувчилар физика, математика, она тилидан (ёзма), Шарқшунослик олийгоҳига кирувчилар инглиз тили, бирорта шарқ тилидан (ёзма), архитектура бўлимига кирувчилар расм, чизмачилик, она тилидан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Ҳужжатлар 1992 йил 27 июнгача қабул қилинади.

Олийгоҳга кирувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: олийгоҳ ректори ва «мактаб-олийгоҳ» директорига ариза, 9-синфни битирганлик ҳақида гувоҳнома, туғилганлик тўғрисида гувоҳномадан кўчирма, тиббий маълумотнома, 5х6 см. ҳажмидаги расм.

Кириш имтиҳонлари 1 июлдан 16 июлгача ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, «Турон» (Коммунист) жамоа хўжалиги, 45-«мактаб-олийгоҳ» биноси. ТЕЛЕФОН: 67-886.

Автобуслар: 491, 167, «Қибрай-Гулистон» «Турон» (Коммунист) жамоа хўжалиги идораси» бекати).

«Қибрай-Селекция» автобусининг «Турон» (Коммунист) бекати.

Маълумотлар олиш учун Қибрай ноҳия халқ таълими бўлими (телефон 61-244)га мурожаат қилинсин.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49, Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатичи: Г—165. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 31646 нусха босилади.